

XP

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

**9**  
(1067)  
1-mart  
**2013**  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



## Чемпионлик нашидаси

### "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоаси соҳа кубоги соҳиби!

26-28 феврал кунлари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг кўчма соврини учун аънанавий футбол мусобақалари финал босқичи бўлиб ўтди. Бу сафар ҳам Тошкент ахборот технологиялари университети спорт мажмуасига йиғилган томошабинлар ажойиб спорт байрамидан баҳраманд бўлишди.

15-бет

### УНУМЛИ МЕХНАТ – ХОДИМЛАР ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникациялар хизматини кенгайтириш ва улардан олинган фойда миқдорини ошириш, шунингдек, ходимларнинг астойдил, сифатли ва унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратишда Иш берувчи ҳамда касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик, ижтимоий химоя борасидаги таклифлар корхона раҳбарияти томонидан қай даражада қўллаб-қувватланиши муҳим ўрин тутди. Буни аҳолининг телекоммуникация хизматларига бўлган талабини қондириш, хизматлар номенклатурасини кенгайтириш ва сифатини ошириб бориш борасида қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётган "Ўзбектелеком" АКнинг "Бош Коммутация Маркази" филиали раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, филиал раҳбари Амир Газиёв корхона ишчи-хизматчилари меҳнатини кадрлашга, уларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиш билан бир вақтда, ёш мутахассисларнинг ўз касбига меҳр қўйишлари, ўқиб-изланишлари учун жон қуйдиришга, аёллар учун алоҳида имтиёзлар яратишга, корхонада ишлаб пенсияга чиққан фахрийларни ҳам меҳр ардоғида сақлаб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Бу борада унга касаба уюшмаси қўмитаси яқин қўмақдош. Уюшма атрофига бирлашган қўмита аъзолари ҳам бир неча йиллик тажрибага эга инсонлардир. Улар филиал ходимлари ижтимоий химояси йўлида турли шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб боришмоқда.

4-5-бетлар

#### Алоқа оламида

Huawei компанияси тезлиги энг юкори смартфон тақдимотини ўтказди. Huawei қурилмасининг қалвинлиги атиги 8,4 мм. бўлиб, 1,5 ГГц частотали турт ядроли процессорда ишлайди.

Смартфонга BSI-сенсорли 13 мегапикселли камера, 4,7 дюймлик сенсор дисплей (720p HD) ўрнатилган. Ascend P2нинг "энг тезкор" дея эътироф этилишида жон борга ўхшайди, негаки, 4G LTE тармоқлар учун мўлжалланган бу телефоннинг контент юклаш тезлиги сониясига 150 Мбит.ни ташкил этаркан.



#### Ушбу сонда:

■ **Муҳим масалалар муҳокамаси**

2

■ **Олтин ҳалқалар**

3

■ **Совещания в центре UZINFOCOM по стимулированию разработчиков ПО**

6

■ **Зумраднинг ойдин орзулари**

16

Теледастурлар, спорт, сканворд



**e-kommunal**  
www.e-kommunal.uz

Коммунал-хўжалик ва тураржой фонди  
Портали аҳоли хизматида



## Jumadan Jumagacha

Олий Мажлиснинг Қонунийлик палатасида Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги парламент эшитуви бўлиб ўтди. Ушбу масала юзасидан "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг раиси Ф.Ризаев ахборот берди. Мазкур тадбир миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда Ўзбекистон халқларининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган туризмни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларини бажаришнинг боришини таҳлил этиш ва ҳолис баҳолаш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг "Тошкент-Аэро" иқтисодлаштирилган божхона комплексида ўтказилган семинар 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини очиқ беришга бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, турли вазирлик ва идоралар мутахассислари тадбирда иштирок этган ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланувчи компаниялар вакилларига мазкур қонуннинг ҳусусиятларини тушунтириб, янги меъриёв ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумот бердилар.

Сирдарё вилоятида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланган республика кўرғазмали семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермерлар кенгашлари раислари, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, тижорат банклари раҳбарлари, хизмат кўрсатиш ҳамда таъминотчи компаниялар мутасаддилари иштирок этди.

Жиззах шаҳрида вилоят ҳокими-лиги, Республика ОИВ инспекцияси, сил ва безгак касалликларига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштирувчи тармоқларро эксперт кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари, хотин-қизлар қўмитаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди вакилларининг бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Тошкент шаҳрида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусика-театри жамоасининг гастролли бошланди. Уч кун давом этадиган сафар мобайнида қорақалпоғистонлик театр усталарининг ижоди Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театри, Ўзбек давлат драма театри сахналарида намойиш этилади.

Ўзбекистон ёғоч ўймакорлиги санъати Киевда намойиш этилди. Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги дипломатия ваколатонасида ташкил этилган кўрғазмада Киев шаҳри аҳолиси мамлакатимиз ёғоч ўймакорлигининг кўп асрлик анъаналари ва нақш санъатининг ранг-баранглиги билан яқиндан танишди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

# Муҳим Масалалар Муҳокамаси

Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъати ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг қўшма йиғилишида Тармоқ келишувининг 2012 йил якуни бўйича бажарилиши тўғрисида"ги ва "Қўмитанинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатининг 2013 йил феврал ойида ўрганилиши натижалари тўғрисида"ги масалалар селектор орқали кўриб чиқилди. Биринчи масала юзасидан Марказий кенгаш раиси Х.Соатов ахборот берди.

Маълумки, 2012 йил январ ойида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш мақсадида 2012-2014 йиллар учун Тармоқ келишуви имзоланган эди. Айни пайтда соҳада мазкур Тармоқ келишувидан ташқари, иккита Тариф келишуви, битта Ягона жамоа шартномаси ва 180та жамоа шартномаси тузилган ва амал қилмоқда. Аввалгиларидан фарқли равишда ушбу меъриёв ҳужжатларга аёллар ва ёшлар учун қўшимча қафолатлар бўлимлари киритилган.

Ҳисобот даврида Марказий кенгаш томонидан таркибий тузилмадаги ўрта бўғин касаб уюшмаси органларининг фаолияти ҳамда уларнинг функциялари атрофлича ўрганилиб ва таҳлил этилиб, бугунги кунда соҳа касаб уюшмаси ташкилотларининг маблағларидан унумли фойдаланиши, уларнинг фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш, шунингдек, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган тарки-

бий ўзгаришлар, соҳа корхона ва ташкилотларига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий химоясини таъминлаш ишларини янада кучайтириш мақсадида Марказий кенгаш Раёсати қарори билан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича Республика бирлашган касаб уюшмаси қўмитаси ҳамда Хизмат кўрса-

**Айни пайтда соҳада Тармоқ келишувидан ташқари, иккита Тариф келишуви, битта Ягона жамоа шартномаси ва 180та жамоа шартномаси тузилган ва амал қилмоқда.**

тиш ва ўқув муассасалари соҳаси бўйича Республика бирлашган касаб уюшмаси қўмиталари ташкил этилди. Марказий кенгаш раиси ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифалар ҳақида батафсил маълумот берди.

"Қўмитанинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатининг 2013 йил феврал ойида ўрганилиши натижалари

ри тўғрисида" қўмита Ишлар бошқарувчиси Ф.Пирмухамедов маълумот берди. У Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 1 ярим йиллик иш режаси ҳамда 2013 йил 15 январдаги 57-буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг Навоий вилояти ҳудудидаги қуйи таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатлари ўрганилганлигини айтиб, шу жараёнларда ижобий натижалар билан биргаликда салбий ҳолатлар ва камчиликлар аниқланганлигини маълум қилди. Ҳайъатда мутасаддилар зиммасига мазкур камчиликларни бартараф қилиш ва уларнинг келгусида такрорланмаслиги бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган ҳамда назоратини доимий равишда олиб бориш вазифаси юклатилди.

Мажлисида "Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 8 декабрдаги 817-Ф-сон фармойиши ижроси бўйича" қўмитанинг АКТ бошқармаси бошлиғи О.Умаровнинг батафсил ахбороти тингланди. Шунингдек, йиғилишда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг 2013-2017 йилларда ривожлантириш концепцияси" лойиҳаси бўйича масала ҳам кенг муҳокама қилинди. Концепция Жамиятнинг самарали ва барқарор ташкилот сифатида шаклланиши учун амалга оширилиши лозим бўлган узоқ муддатли мақсад ва масалаларни аниқлаб беради. Мазкур концепциянинг амалга оширилиши АКТ соҳасидаги сўнгги ютуқларни жамиятнинг 80 фоиз объектиларида ишлаб чиқаришга татбиқ этилишини, шунингдек, фаолиятнинг кўпгина турларини автоматлаштириш асосида янги тармоқни яратиш ҳамда тақдим этилаётган хизмат сифатларини ривожланган давлатлар даражасига етказилишини таъминлайди. Бу тўғрисида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов ахборот берди. Йиғилишда ушбу Концепцияни янада такомиллаштириш мақсадида ишчи гуруҳ тузиш ва сўнгра қайта кўриб чиқишга келишиб олинди.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан барча билдирилган таклиф ва фикрлар иноватта олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Ҳамкорлик

Яқинда "Электроманит мослашув маркази" ДУКнинг Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси ҳамда ушбу вилоят ахборот-кутубхона маркази вакиллари вилоятнинг Пайшанба информатика ва хизмат кўрсатиш ҳамда Иштихон ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежларида бўлишиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан навбатдаги учрашувларини ўтказдилар.

Учрашувларда Самарқанд вилоят техник радионазорат станцияси мутахассислари О.Узоқов, Х.Тожиёв, Ж.Қодировлар Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, унинг вилоятимиздаги ҳудудий бошқармаси, "Электроманит мослашув маркази" ДУК Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси тўғрисида тақдимотлар ўтказишиб, рақамли телевидение, унинг афзалликлари ҳамда уяли телефон алоқаси тўғрисида маълумотлар беришди.

Вилоят АКМ фаолияти тўғрисида тайёрланган слайдди тақдимот билан вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Ш.Ахмедова, "АРМларда олиб бориладиган тадбирларда мултимедияларнинг ўрни" мавзусида илмий-услубият бўлими мудири М.Кулова сўзга чиқибди.

Тадбирлар савол-жавобларга бой ўтди. Унда фаол иштирок этган ўқувчилар ва коллеж қошидаги ахборот-ресурс маркази фондига АКМ томонидан совғалар топширилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири


## ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 февралдаги буйруғига қўра, Фарход Тилымуратович Умарходжаев Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи этиб тайинланди.

Шу кунга қадар Ф.Умарходжаев "Ўзбекистон почтаси" очiq акциядорлик жамиятининг "Халқаро почта" филиали директори лавозимида ишлаган.



Газетамизнинг жорий йил 15 феврал, 7-сонда Тошкент ахборот технологиялари университетги ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамкорлиги, хусусан, университет "Почта хизматини автоматлаштириш" кафедрасининг жамият марказий аппаратида ташкил этилган ўқув филиали фаолияти ҳақида мақола берилган эди. Бугун ТАТУ "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедрасининг "Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация транспорт тармоғи" ва "Бош коммутация маркази" филиалларидаги ўқув филиаллари ҳақида хикоя қиламиз.



# Олтин ҳалқалар

Иккинчи мақола

**К**афедра ва корхона ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома 2016 йлгача тузилган бўлиб, ишлаб чиқилган махсус низомда томонларнинг вазифалари белгилаб олинган. Айни дамда томонлар шартнома мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўз вазифаларини бажариб келмоқдалар.

Жумладан, ўтган 2011-2012 ўқув йилида телекоммуникация таълим йўналиши битирувчилари ярмининг битирув-малакавий ишларига соҳанинг етуқ мутахассислари раҳбарлик қилишди. Битирувчиларнинг амалий кўникмаларини янада ошириш мақсадида "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йил 2 февралдаги 41-Ғ фармойишига асосан кафедранинг ўқув лабораториясига "Биринчи боғлама" мутахассислари томонидан SMS-150 (STM-1) узатиш қурилмаси ўрнатилиб, ишга тушириб берилди. Ушбу оптик толали кабелли узатиш тизими кафедра лабораториясини 235-АТС орқали "Биринчи боғлама" (ТУМС-1) билан боғлайди. Кафедра филиалида амалиёт ўтаётган "Телекоммуникация" йўналишининг битирувчилари узатиш тизимида қатор меъёрланган параметрларни ўлчаш асосида зарурий малакавий кўникмаларга эга бўладилар. Хозирги кунда кафедранинг етакчи ўқитувчилари Р.Ражапова, Г.Миразимова, ассистентлардан Д.Ибодовалар кафедра мудири доцент М.Паршиев ва профессор Р.Исаев раҳбарлигида янги ўқув йилида ушбу узатиш тизимидаги амалий ўлчанларни бажариш учун уларнинг услубий таъминоти бўйича тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда.

Кафедрамиз филиалларини соҳа корхоналарида очишдан мақсад, — дейди "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедраси мудири, техника фанлари номзоди доцент Муҳаммадҷон Паршиев, — биринчидан, ҳукуматимизнинг инновацион сиёсатини ҳамда АКТ соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, педагог кадрларнинг илмий-амалий салоҳиятини ошириш бўйича "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга ошириш, иккинчидан, хўжалик шартномаларини бажариш асосида соҳа муаммоларига оид тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда тадқиқот натижалари бўйича мақолалар тайёрлаб, маҳаллий ва халқаро илмий-техник журналларда чоп эттиришдир. Биз етиштириб бераётган ёш мутахассислар қанчалик кўп билимга эга бўлса, соҳамиз шунчалик тез ривожланади. Хозирда кафедрада "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали билан тузилган 36 млн. сўм миқдоридagi шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.



**Маълумот ўрнида:**

- ✓ 1955 йил Тошкент электротехника алоқа институти ташкил этилганда фақатгина телефон-телеграф алоқаси факултети мавжуд эди. 1958 йили шу факултет таркибиди "Узоқ алоқа" (ҳозирда "Телекоммуникация узатиш тизимлари") кафедраси очилди.
- ✓ Кафедра фаолияти давомида 5000дан ортиқ муҳандис ва бакалаврлар, 30дан ортиқ магистрлар ва 10га яқин фан номзодларини тайёрлади.

Шунингдек, "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедрасида, соҳадаги филиаллардан ташқари, кафедрага бириктирилган Тошкент алоқа касб-хунар коллежи билан ҳам ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Хусусан, коллежда ўқитиладиган мутахассислик фанлари бўйича "Алоқа ўлчов техникаси", "Узатиш тизимларининг техник эксплуатацияси" дарсликлари "Иқтисод ва молия" ҳамда "Ўзлон" нашриётларига нашр этиш учун топширилди. Коллежнинг кафедра фанлари билан турдош фанларининг услубий таъминоти учун қатор электрон ўқув кўлланма ва услубий кўрсатмалар, маъруза матилари тақдим этилган. Кафедра ўқитувчилари коллежнинг ёш ўқитувчиларига махсус фанларни ўқитиш бўйича услубий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Кафедрада 2012-2013 ўқув йилида очилган янги Ахборот-ўлчов тизимлари магистратура мутахассислигига 11 нафар магистрант қабул қилинди. Магистратура мутахассислигининг "Давлат таълим стандарти" лойиҳаси кафедра профессори Р.Исаев ва доцент Н.Юнусов томонидан тайёрланди. Мутахассислик фанларининг услубий таъминотида доир ишлар бажарилди. Кафедрада магистрантларнинг илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришлари учун зарурий шароитлар яратилган. Магистрантларнинг диссертация мавзулари соҳанинг долзарб масалаларига бағишланган ва уларнинг 65 фоизига етакчи мутахассислар раҳбарлик қилишмоқда.

Мазкур кафедранинг "Бош коммутация маркази" филиалида ташкил этилган ўқув филиали ҳам айни юқориди тилга олинган мақсадларга хизмат қилмоқда.

Филиал раҳбарияти томонидан ТАТУ билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни чуқурлаштириш, яъни кафедра филиалининг ишлаб чиқилган низоми асосида талабаларнинг амалиёт ўташлари, кафедра профессор-ўқитувчиларининг филиалда фаолият

юртиши ва амалий машғулотлар олиб бориши, битирув-малакавий ва магистрлик диссертацияларининг филиалда бажарилиши ва химоя қилиниши учун зарур ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиб берилди.

Филиалимизда ТАТУ 4-босқич талабаларининг амалиёт ўташлари учун иш жойлари, барча шарт-шароитлар тайёрланган, — дейди "Бош коммутация маркази" филиали масъул ходими Зуфар Қурбонов. — Улар тасдиқланган жадвал асосида корхонанинг етти цех ва бўлимларида амалиёт ўтайдилар. Хар бир цех ва бўлимларда амалиёт раҳбари тайинланган бўлиб, талабаларнинг амалиёт ўташи учун ихтисослаштирилган ўқув синфи ташкил қилинган ва ушбу синф проектор, доска, компьютер ва шу каби барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Турли алоқа кабелларининг намуналари асосида ўқув бурчаги ташкил қилинган. Бундан ташқари, филиалимиздаги кутубхона, маънавият ва маърифат хонасидан ҳам талабалар талаб ва хоҳишларига биноан фойдаланишлари мумкин.

Филиалдаги ТАТУ талабаларининг амалиёт ўташлари учун масъул ходим томонидан замонавий ахборот алмасиш тизимлари, INTERNET, "UzMAIL", "E-Hujjat" электрон хужжат алмасиш тизимлари ҳақида тушунтиришлар берилган. Шунингдек, талабалар амалий ишларида ва ўқув жараёнида фойдаланишлари учун замонавий алоқа ускуналари хусусида амалий машғулотлар ташкил қилинмоқда.

2012 йил мобайлида филиал томонидан университетда "Соҳа мутахассисларининг ТАТУ ва унинг филиалларида машғулотлар ўтказиш режаси" асосида "Телекоммуникация узатиш тизимлари", "Телекоммуникация тармоқлари синхронизацияси ҳолати ва унинг истиқболлари" ҳамда "Ўзбектелеком" АК коммутация тармоғининг хозирги ҳолати ва келгусида ривожлантириш истиқболлари" мавзуларида маъруза ва тақдимотлар ўтказилди.

**Усмонжон Йўлдошев,**  
"Xabar" мухбири

**ТАХРИРИЯТДАН:**

"Олтин ҳалқалар" номи остида газетамизнинг келгуси сониди бериладиган мақола ТАТУ Самарқанд филиали кафедраларининг соҳа корхоналаридаги ўқув филиаллари фаолиятига бағишланади.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Барча ишларимизни "Ўзбектелеком" АК ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2012-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган Ягона жамоа шартномаси асосида олиб боряёмиз, — дейди филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов. — Жамоа шартномасида кўрсатилган шартларнинг қай даражада бажарилганлиги Иш берувчи томонидан Ш.Каримов, М.Махмудова, З.Курбонов, А.Васин, Л.Федюшкина ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси томонидан Т.Пузина, С.Скоороходова, Ш.Рахматуллаева, С.Сиддиков ҳамда А.Искановлар иштирокида кўриб чиқилиб, ҳушдорлар далолатномада ўз ифодасини топти.

## Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари

Ходимларнинг маънавиятга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, уларни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлариغا шароит яратиш муваффақиятини таъминловчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам филиалда ушбу ишлар корхона раҳбарлари ва касаба уюшма фаолларининг доимо диққат-марказида. Бу ердаги Маънавият ва маърифат хонаси керакли жиҳозлар, жумладан, компютер техникаси билан ҳам таъминланган. Республика Президентини асарлари ва мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар, газета ва журналларнинг тахлалари тартиб билан териб қўйилган. Филиалда таникли шоир ва ёзувчилар, фан ва маданият арбоблари иштирокидаги маънавият соатлари қизиқарли ташкил этилмоқда.

Ўтган ҳисобот йилида республикамизнинг тарихий ёдгорликлари мавжуд бўлган шаҳарларига саёхатлар, турли томошаларга ташрифлар уюштирилди. Бундай томоша ва дам олиш оромгоҳлари учун 2 132 000 сўм маблағ, шунингдек, 65 нафар ходимнинг Сумча оромгоҳида ва 180 кишининг Чорвоқда хордик чиқаришлари ташкиллади. Спорт-соғломлаштириш ва спорт кийимлари, ходимларнинг биринчи синфга борадиган фарзандларига ташкил этилган байрам тадбири, пенсионерларни кузатиш тадбирлари учун ҳам анчагина маблағ ажратилди.

Филиал ишчи-ходимлари фарзандларини ёғи соғломлаштириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалининг "Ёш алоқачи" масканига олтига, Бўстонликдаги "Алоқачи" оромгоҳига 10 ва "Нилуфар"га 29га — жами 45га йўлланма Иш берувчи ҳисобидан текин берилди.

Корхонада ишчи-хизматчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар жорий Обод турмуш йилида ҳам кенг миқёсда давом эттирилади.

Филиал ишчи-ходимлари фарзандларини ёғи соғломлаштириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалининг "Ёш алоқачи" масканига олтига, Бўстонликдаги "Алоқачи" оромгоҳига 10 ва "Нилуфар"га 29га — жами 45га йўлланма Иш берувчи ҳисобидан текин берилди.

# Унумли меҳнат — Бу борада касаба

## Меҳнатга ҳақ тўлаш, кўшимча тўловлар ва мукофотлар

Муваффақиятлар замирида Иш берувчи ўз зиммасига юклатилган шартларни тўлиқ бажарётганлиги ётибди, албатта. Филиал томонидан олинаётган даромад ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни ижтимоий химоя қилиш, кўшимча тўловлар ва мукофотлар кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, ойлик маошларнинг мунтазам оширилиб борилаётганлиги, байрам ва дам олиш кунлари ҳамда кечки пайт ва тунги сменада ишлаётган муҳандис-техник ходимларга кўшимча ҳақ тўланаётганлиги сабабли корхонадаги ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик маоши аввалги йилга нисбатан анча ошди. Ўтган йил давомида байрам ва дам олиш кунлари ишлаган 131 ходимга 22646,5 минг сўм, тунги вақтда ишлаган 167 нафар ходимга 133756,48 минг сўм, кечки сменада ишлаганларга кўшимча 18156,68 сўм меҳнат ҳақи тўланди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш борасидаги ҳамкорлик ва ўриндошлик, ходимлардаги юқори малака ва ишда эришган алоҳида муваффақияти, алоқа соҳасидаги кўпийлик фаолияти учун алоҳида ҳақ берилди. 6142,0 сўмга сайёр ходимларга йўл қарточкалари олиб берилди ва соҳадаги узоқ йиллик иш стажини учун ходимларга иш берувчи томонидан 363.293,20 минг сўм кўшимча ҳақ тўланди.

**Биринчи  
марта никоҳдан  
ўтаётган олти на-  
фар ходимга  
4 058,3 минг сўм  
ажратилди.**

## Ижтимоий имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун ишлаб чиқариладиган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш жамоа шартномасида кўрсатилганидек, корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси зиммасига юклатилди. Жумладан, корхонада меҳнат таътилига чиқаётган ходимларнинг даволабни қайтишлари учун моддий ёрдам бериш анъанага айланган. Шу мақсад учун эса 163 362,2 минг сўм маблағ сарф этилди. Шунингдек, биринчи марта никоҳдан ўтаётган олти нафар ходимга 4 058,3 минг сўм, яқинларидан ажралган 10 кишига 8 745,7 минг сўм, ишга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан вафот этган икки нафар ходимга 2 516,8 минг сўм, пенсияга кетаётган 13 нафар ходимга 112 838,3 минг сўм, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун ишчи-хизматчиларга 193 043,1 минг сўм, касал бўлган ва иктисодий қийинчиликлар сабаб 14 628,7 минг сўм ҳамда 341 нафар ходимнинг тузилган кунлари учун 160 974 сўм маблағ корхона ҳисобидан сарф этилди.

## Меҳнат муҳофазаси ва рағбатлантириш

Иш жойларида қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилаш Иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси кўмитасининг доимий диққат-эътиборида турган масалалардан биридир. Филиалда ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ишчи-хизматчилардан 319 кишининг бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинганлиги, филиал ходимлари тиббий кўрикдан ўтин туришлари учун "Invest Save Group" тиббиёт компаниясига 120220,0 сўм миқдорда маблағ ўтказилганлиги фикримиз далилидир.

Меҳнатда қўлга киритилган муваффақиятларнинг ўз вақтида эътироф этилиши янги зафарларнинг қўлга киритилишига сабаб бўлади, албатта. Ўтган 2012 йилда уч нафар ходимнинг "Ўзбектелеком" АК, 12 кишининг "БКМ" филиали раҳбариятининг фахрий ёрликлари ва пул мукофоти, бир нафар ходим "Ўз касбининг устаси" нишони билан рағбатлантирилганлиги корхона ишчи-хизматчиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Канадалик профессор Режиналд Фессенден биринчи бўлиб овозни узоқ масофага узатган.

## Керакли ёрдам ўз вақтида берилляпти

Цехимиз мутахассислари зиммасига халқаро ва шаҳарлараро каналлар ташкил қилиш, истеъмолчиларни сифатли алоқа билан, шунингдек, республика миқёсида ўтказиладиган аудио ва видеоселекторларда сифат ва аниқликни таъминлаш вазифаси топширилган. Бу вазифани тўлиқ адо этишда Абдухамид Юсуфов, Бобир Зубайдуллаев, Шухрат Тўлаганов каби касб сирларини пухта эгаллаган мутахассисларимизнинг ҳиссалари катта бўляпти.

Филлиалимизда унумли меҳнат қилиш учун барча шароит яратилган. Қайси биримизга бирор ёрдам керак бўлса, дарҳол Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитасига мурожаат қиламиз. Улар ҳамма вақт керакли ёрдамни беришади. Ишхонамиз томонидан 40тага яқин кондиционер, телевизор, газ плитаси, музлаткич, компьютер каби ўзимизда ишлаб чиқарилган маиший техникаларни сотиб олиш учун фоизсиз қарз берилган ҳам аини муддао бўлди. Қўплаб ёш оилалар ана

шу йўл билан уйларини жиҳозлаб олишди. Навоий кўчасида қурилган янги уйлардан бирини сотиб олган ёш мутахассисимизга эса 10 000 000 сўм миқдорда фоизсиз қарз берилди. Қарз олганларнинг бу пуллари ойликлари ҳисобидан ушлаб қолинади. Янги рўзвор қурганлар учун бу катта ёрдамдир.

Биз ана шундай ажойиб жамоада ишлаш насиб этганидан бахтиёримиз.

Зуфар ҚУРБОНОВ,  
узаттич аппаратлари цехи бошлияги

# Ходимлар фаровонлигининг асоси уюшмаларининг ўрни ва роли

## Жамоа шундай бўлса...

Кексалар дуоси — эл муддаоси, деган мақол бор халқимизда. Демак, қаердаки кексалар ҳурмат ва эътиборда бўлса, ўша ерда ишда барака ва унум бўлади. Бу эса фаровон ҳаёт манбаидир.

Филлиалимизда раҳбарият ташаббуси билан Фахрийлар кенгаши тузилганига анча бўлди ва кенгаш ўз олдига қўйилган вазифа — корхонада ишлаб пенсияга чиққан фахрийларни жамоадонлари меҳмуруватидан баҳраманд этиш, улар бошини бир жойга бирлаштирган ҳолда кексалик даври завқли ўтишини таъминлаш, уларни турли саёхатларга олиб бориш, байрамларни қадрдон жамоаси бағрида, шогирдлари билан биргаликда тўқин дастурхон атрофида кутиб олишларини таъминлаш каби ишларни бажармоқда.

Хар бир ишда Иш берувчи ёрдамга суянган ҳолда 2012 йилда рўйхатимизда турувчи 414 нафар пенсионерни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида анчагина ишларни амалга оширдик.

Аввало шунини айтиш керакки, корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ўз ихтиёри билан хар ойда Фахрийлар кенгаши ҳисоб рақамига ўтказилаётган маблағ йил давомида 17 475 000 сўмни ташкил этди. Кенгаш қошида тузилган махсус комиссия қарори билан 38 нафар пенсионернинг даволашиши учун дори-дармон олиб бериш ва уйда ёнғин бўлган икки нафар кексани моддий қувватлаш учун 4 200 000 сўм ва Алоқачиларнинг касб байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашга 3 600 000 сўм маблағ ишлатилди.

Хар бир фахрийга тувилган кунни муносабати билан табрик телеграммаси жўнатиш ва 100 000 сўм миқдорда моддий ёрдам бериш бизда анъанага айланган. Шунингдек, уларни Рус драма театри, Ўзбек Миллий академик драма театри томошаларига, республикамиздаги зиёратгоҳ жойларга ҳам олиб бориб тураимиз.

Ўтган йили ҳам фахрийларимиз хар чорак охирида 100 000 сўмдан мукофот пули олишди. Бу мақсадлар учун маъмурият томонидан 197 736,0 сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 28 нафар яқка-ёлғиз пенсионер ҳамда тўрт нафар моҳир алоқачининг хонадон телефонлари учун 604 800 сўм пул корхона ҳисобидан тўланди. 210 нафар фахрий эса "Xabar" ҳамда "Оила даврасида" газеталарига обуна қилиндилар.

Фахрийларимиз байрам тадбирларига ташриф буюришганида аввало бир-бирлари билан дийдор кўришиш насиб этгани учун, шунингдек, умрбўйи тер тўкиб меҳнат қилган корхонага шундай вомхўр ва меҳрибон одамлар бошчилик қилаётгани учун шукр қилдилар. "Киройи жамоа бўлса, шундай бўлса-да!" дейишади фахрийтихор билан.

Бахтиёр АЗИМОВ,  
корхона Фахрийлар кенгаши раиси

## Хизматлар

### қўлами кенгайди

Мақкур корхонада 31 йилдан бери фаолият кўрсатяшман. Саккиз йилдан бери эса Шаҳарлараро автоматлаштирилган телефон станцияси цехини бошқаряшман. Цехимизда 60 нафар ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишади. Улар зиммасига ўта масъулятли — чет эл телекоммуникация тармоқлари Халқаро коммутация маркази билан, радио ва телеузатишларни ташкил қилишда ҳамда халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация графигини ўтказишнинг ягона техноло-

гик жараёнида эса телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи корхона ва операторлар, шунингдек, "Ўзбектелеком" АКнинг бошқа филиаллари ҳамкорлик қилиш вазифаси юклатилган.

Цехимизга кейинги йиллар ичида энг янги технологиялар ўрнатилиб, Бухоро ҳамда Қўқон шаҳарларида ҳам халқаро коммутация марказлари ишга туширилди. Цехимизга кейинги йиллар ичида энг янги технологиялар ўрнатилиб, Бухоро ҳамда Қўқон шаҳарларида ҳам халқаро коммутация марказлари ишга туширилди. Бу эса кўрсатилаётган хизматлар қўламининг янада кенгайтириш имконини берди. Бу марказларни ўрнатиш ва ишга туширишда Санджон Ёқубов каби ёш бўлса-да, малакали мутахассисларимиз алоҳида намуна кўрсатишди. Келгусида республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ана шундай марказлар ўрнатилади. Демак, хизматлар қўлами янада кенгайди.

Қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида корхонамизда мавжуд ижобий муҳитнинг аҳамияти катта деб ўйлайман. Бундай муҳит яратилишида Иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги яқин ҳамкорлик, белгиланган жамоа шартномаси шартларининг тўлиқ бажарилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда, албатта.

Александр ВАСИН,  
цех бошлияги

## Ишимизда

### аниқлик муҳим

Корхонамизда хар бир йил учун Калоҳида бизнес-режа ишлаб чиқилади. Унда тушган даромадининг қайси соҳаларга йўналтирилиши аниқ ва равшан кўрсатилади ва у "Ўзбектелеком" АК томонидан тасдиқланади. Шунинг учун ҳам биз бизнес-режани пухта тузишга, даромадни аниқ мақсадларга йўналтиришга ҳаракат қиламиз. Зеро, хар бир сўм маблағ филлиалимиз ишчи-хизматчиларининг пешона тери, фидокорона меҳнатлари эвазига тўллангандир.

Бўлимимиз ходимлари томонидан корхонага тушаётган тушум миқдори хар чорак охирида яқунланади ва режага асосан сарфланади. Шуниси қувончлики, корхонамизда ходимлар ижтимоий ҳимоясига катта аҳамият берилляпти. Бу борада Иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг хар бир банди тўлиқ бажарилишига эришилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Махлиё МАХМУДОВА,  
молия-режалаш бўлими бошлияги

## Устозлар изидан боряпмиз

Цехимиз мутахассислари корхонани электр энергияси билан таъминлашдан ташқари алоқа қурилмалари жойлашган хоналардаги ҳаво хароратини доимий талаб даражасида ушлаб турадилар. Бизда "Устоз — шогирд" анъанаси яқин йўлга қўйилган. Қўп йиллик тажрибага эга мутахассисларимиз биланларини ёшларга эринмай ўргатадилар. Ёшларимиз эса ўз устозларини уялтирмайликда ҳаракат қиладилар. Ёшлар ҳурмат қиладиган инсонлардан бири Набижон Исломовдир. Набижон ака тажрибали электромеханиклардан бири. У кишининг қўллаб шогирдлари бор. Улардан бири Абдухамид Зиёдовдир. Абдухамид климотехника бўйича жавобгар шахс ҳисобланади.

Менинг ҳам бугунги даражага етишимда устозларимнинг ҳиссалари катта. Биз ёшлар яратиб берилган шароит учун раҳбарларимиздан беҳад миннатдоримиз.

Азиз АБДУҚОДИРОВ,  
электр таъминоти ва климотехника цехи бошлияги

**МУАЛЛИФДАН:** "БКМ" филиалида 2012 йил давомида қўлга киритилган ютуқларни таҳлил қилар эканмиз, қайси жамоада жипслик бўлса, ходимлар ягона мақсад — корхонани ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилса, Иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга хизмат қилса, ўша ер муваффақиятлар маконига айланишига амин бўлдик. Филиал ишчи-хизматчиларининг янгидан-янги ютуқлар сарни интилаётганликлари сабаби ҳам шунда, аслида.

Муборак МИРКАМОЛОВА,  
"Xabar" мухбири

# ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ОРГАНОВ

## ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ С ЕДИНЫМ ПОРТАЛОМ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

В здании Музея истории связи прошел учебный семинар на тему: "Деятельность органов государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах по формированию проектов для включения в государственный заказ, а также по вопросам взаимодействия с Единым порталом интерактивных государственных услуг", организованный Государственным комитетом связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан и Центром UZINFOCOM для руководителей специализированных структурных подразделений государственных органов.

Целью организации семинара являлось усовершенствование деятельности специализированных структурных подразделений государственных органов, ответственных за внедрение и развитие ИКТ, разъяснение вопросов формирования проектов для включения в государственный заказ по внедрению и развитию ИКТ, а так-



же взаимодействие с Единым порталом интерактивных государственных услуг и обмен опытом между участниками семинара.

На семинаре были рассмотрены вопросы по формированию Государственного заказа на реализацию проектов в области ИКТ и взаимодействия с Единым порталом интерактивных государственных услуг, а также внедрения системы "Электронное правительство" в Республике Узбекистан на период 2013-2017 годы.

Специалисты Центра UZINFOCOM выступили с докладами на следующие темы:

"Обеспечение исполнения правительственного решения по формированию Государственного заказа на реализацию проектов в области ИКТ";

"Задачи, определенные в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №378 от

*В ходе семинара удалось проанализировать актуальные вопросы и задачи в процессе внедрения и развития ИКТ в органы государственного и хозяйственного управления, предоставить ряд рекомендаций по дальнейшему внедрению и совершенствованию информационно-коммуникационной среды в государственных структурах.*

30 декабря 2012 года";

"Инвентаризация государственных услуг, системная реорганизация функциональных задач государственных органов и разработка внутренних регламентов", "Комплексная программа внедрения системы "Электронное правительство" в Республике Узбекистан на период 2013-2017 годы".

В ходе семинара удалось проанализировать актуальные вопросы и задачи в процессе внедрения и развития ИКТ в органы государственного и хозяйственного управления, предоставить ряд рекомендаций по дальнейшему внедрению и совершенствованию информационно-коммуникационной среды в государственных структурах. Были определены приоритетные направления и задачи, а также проведен обмен мнениями и опытом в этом направлении.



## СОВЕЩАНИЯ В ЦЕНТРЕ UZINFOCOM ПО СТИМУЛИРОВАНИЮ РАЗРАБОТЧИКОВ ПО

22 февраля в Центре UZINFOCOM под председательством Заместителя председателя Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Ш.Шерматова прошло рабочее совещание с субъектами рынка по льготам в сфере производства программных продуктов и стимулированию их разработчиков.

Присутствовали представители софтверных компаний, заинтересованных ведомств и Центра UZINFOCOM.

Были рассмотрены вопросы совершенствования льготного налогообложения для производителей ПО, предложения по таможенным льготам на ввоз комплектующих частей для производства высокотехнологичной продукции и льготы для экспорта этой продукции.

Так как софтверная индустрия у нас только формируется, для складывающегося законодательства нужны точные определения ИТ-терминов, поэтому были рассмотрены предложения по формированию и внедре-

нию общепотребительных и одинаково понимаемых терминов в сфере ИКТ.

Был поднят вопрос о затруднении получения кредита ИТ-компаниями, так как программное обеспечение не входит в понятие залогового имущества.

Среди проблем, препятствующих развитию отрасли производства ПО были названы ограничения на распространение медиаконтента, и, в том числе, ПО, неправомочными. Как вариант выхода из создавшегося положения было предложено регистрировать созданное ПО в каталоге software.uz. Что, конечно не отменяет предлагаемых доработок законодательства.

Были рассмотрены и другие проблемы развития индустрии ПО. Такие совещания будут проводиться регулярно для сближения позиций регуляторов отрасли и участников рынка. Есть предложение следующее совещание проводить в режиме вебинара для подключения всех заинтересованных участников.

## ИЗМЕНЕН ПОРЯДОК ТАРИФИКАЦИИ ЗВОНКОВ С ГОРОДСКОГО ТЕЛЕФОНА НА НОМЕРА 859X

С 1 марта вносятся изменения в порядок применения тарифов на универсальные услуги телекоммуникаций, оказываемые предприятиям, учреждениям и населению.

Изменения утверждены Государственным комитетом связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан, сообщается на сайте акционерной компании "Узбектелеком".

Согласно внесенным изменениям междугородние разговоры с телефонами фиксированной связи с набором 859X ABC XXXX на абонентов сотовых операторов будут тарифицироваться как разговоры до пункта регистрации префиксов ABC сотовых операторов.

Разговоры с телефонами фиксированной связи с набором 859X ABC XXXX на абонентов сотовых операторов, находящихся в том же пункте регистрации префиксов ABC, что и АТС абонента фиксированной связи, будут тарифицироваться как местные.

uztelecom.uz

## НАЧАТА РЕАЛИЗАЦИЯ СТРАХОВЫХ ПОЛИСОВ В ПОЧТОВЫХ ОТДЕЛЕНИЯХ



В почтовых отделениях теперь можно приобрести полисы страхования жизни и здоровья от несчастных случаев, страхования молодого женов "Бахт", страхования жилья "Мулдор", страхования членов семьи "Кадронларим", а также ОСГО.

Теперь страховые полисы "ALSKOM" можно будет приобрести в почтовых отделениях связи ОАО "Узбекистон почтаси" во всех регионах Республики Узбекистан. Стоимость полисов доступна для всех слоев населения и составляет от 1000 сум и выше в зависимости от их видов.


Совместный проект ОАО "Узбекистон почтаси" со страховой компанией "ALSKOM" позволяет расширить спектр услуг почтовых отделений, направленных на удовлетворение потребностей каждого клиента. Особенно такой сервис удобен для жителей небольших населенных пунктов со слабо развитой сферой различных услуг.

На сегодняшний день реализовано 8 560 шт. страховых полисов на общую сумму 24 318 тыс. сум.

ОАО "Узбекистон почтаси" всегда действует в интересах своих клиентов и надеется, что данное нововведение сократит время обслуживания клиента, желающего приобрести полис страхования.

pochta.uz

# Хабар +tv



5.55 Курсулгулар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Ихтиш".  
7.05 "Кўнглик кўнлик истайдиган"  
7.20 Миллий сериал: "Ота - синглилар".  
8.00 Таҳдиднома.  
8.40 Қилшак ҳаёти.  
9.00 Миллий сериал: "Чемпионлик олдиган".  
9.30 Парқонет дастури.  
10.00 "Йилон дунюна". Т/с.  
10.45 "Саломатлик сирлари".  
11.00 "Амбобот".  
11.10 "Ватанларвар".  
11.55 "Ихтиш".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
12.50 "Кўнглик кўнлик истайдиган".  
13.05 "Комиссар Рекс". Т/с.  
13.50 "Шарқ тароналари".  
14.00 "Амбобот".  
14.15 "Хўлаёт сери".  
14.35 "Буёқ акаддаринома". Ал-Хоразмий.  
15.00 "Ихтиш".  
15.05 "Ўзбек киноси: Чинор остидаги 15-йил".  
16.15 "Аёл ва амамон".  
16.40 "Обод турмуш йили". Қорақалпоқiston Республикаси.  
17.00 "Амбобот".  
17.10 "Эрион фикр".  
17.20 Миллий сериал: "Ота-синглилар".  
18.00 "Кўнглик кўнлик истайдиган".  
18.15 "Этаслак" - худдилоқа етаслак".  
18.35 "ТВ - шифокор".  
18.40 "Комиссар Рекс". Т/с.  
19.15 20.00, 20.35 Эълонлар.  
19.30 "Амбобот" /рус/.  
20.05 "Навоий бўстонидан".  
20.10 "Мўрдаёт вақли". Т/с.  
21.00 "Амбобот".  
21.40 "Муқоабалар".  
22.10 "Кўнглик кўнлик истайдиган".  
22.25 "Каталак". Б/ф.  
23.45 23.55 "Шарқ тароналари".  
23.55 Курсулгулар дастури.  
00.00 "Буёқ акаддаринома". Ал-Хоразмий.  
00.15 "Ихтиш".  
00.30 Миллий сериал: "Чемпионлик олдиган".  
1.00 "Амбобот" /рус/.  
1.30 "ТелТепур" Камшир тоғайин, диққон - 1-қисм.  
2.05 "Ватанларвар".  
2.50 "Қилшак ҳаёти".  
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Амбобот".  
4.40 Миллий сериал: "Ота - синглилар".  
5.20 "Саломатлик сирлари".  
5.35 "Обод турмуш йили".  
5.50 5.55 "Навоий бўстонидан".



6.00 "Витин мезири".  
6.10 Миллий сериал: "Чарқалтак".  
7.00 "Дикс ихтиш".  
7.10 "Ҳуниночим-ошунчином".  
7.20 "Мушқатлашма".  
8.00 "Ешлик наволари".  
8.20 Миллий сериал: "Каминнинг олдиган".  
9.00 "ЦЕХ".  
9.10 "Муҳажжидий дунё".  
10.00 "Камолот-инфо".  
10.10 Миллий сериал: "Ойноқ".  
11.20 "Сарди кўнлар".  
12.00 "Хет хавфсизлиги".  
12.30 Миллий сериал: "Жийда гули".  
13.00 "Давр".  
13.10 "Табит". Т/с.  
14.00 "Йўл-йўлакка".  
14.30 "Баркамоллик йўлидан".  
14.50 "Ешлик наволари".  
15.10 Миллий сериал: "Чарқалтак".  
16.00 "Давр".  
16.10 Миллий кино: "Тап".  
16.40 "Зуфия исқонлар".  
16.50 "Давр мавлуд".  
17.10 "Питонка". Б/ф. 1-қисм.  
18.30 "Ешлик наволари".

## ДУШАНБА — 4 МАРТ

18.50 "ЦЕХ".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Абулар". Т/с.  
20.20 "13-студия".  
20.50 "Эрион тароналари".  
21.10 "Табит". Т/с.  
22.00 "Давр".  
22.30 Миллий сериал: "Жийда гули".  
23.10 "Муҳажжидий дунё".  
00.00 "Витин мезири".  
00.10 "Ешлик наволари".  
00.30 "Давр".  
1.00 "Шарқ гавради".  
1.20 "Биз кимизми".  
1.30 "Кўнглик кўнлик".  
4.30 "Абулар". Т/с.  
5.20-6.00 "Салом, буюр".



06.00 "Мадура".  
06.05 Курсулгулар тартиби.  
06.10 "Омаи хавиша келамерайиди". Б/ф.  
07.20 "Донлар бисотидан".  
07.30 "Салом, Тоғхонент".  
08.30 Тоғхонент тароналари.  
08.50 "Муқоабалар уюни маку".  
09.20 "Интеллектуал оқушдан".  
09.30 "Пойташ".  
09.45 "Ибрат".  
10.10 "Интерьер".  
10.20 "Камер оркестрининг концерти".  
10.30 "Пойташ". /рус тилида/.  
10.40 "Камур донларидан".  
10.55 "Ота-онилар уюни узук". Б/ф.  
13.00 "Салом, Тоғхонент".  
14.00 "Дунё" теледастури.  
14.45 "Бизнес-адам".  
15.00 "Пойташ".  
15.15 "Аёл эри". Т/с. 13-қисм.  
15.35 "Митингвий олдиган".  
15.45 "Ташич қўрсатди".  
16.20 "Эно-пойташ".  
16.30 Тоғхонент тароналари.  
16.50 Мультисериал: "Қўнлик дўбқонлар" 4-қисм.  
17.15 "Миллиятлар фидойилари".  
17.35 "Пойташ йўллари".  
18.00 "Пойташ".  
18.25 "Интеллектуал оқушдан".  
18.35 Миллий сериал: "Ўзқўнлар оролада" 20-қисм.  
19.05 "Эшликда".  
19.20 Тоғхонент тароналари.  
19.40 "Тел-маркет".  
19.50 "Хайридан гули болалар".  
20.00 "Пойташ".  
20.30 "Фанат қўнлар учун".  
21.00 Тоғхонент тароналари.  
21.20 "Интерьер".  
21.30 "Тел-маркет".  
21.40 "Ушларим".  
21.50 "Денки қўнлар". Т/с. 70-қисм.  
22.30 "Пойташ". /рус тилида/.  
22.50 "Эно-пойташ". /рус тилида/.  
23.00 Кино "SM" /рус тилида/.  
23.05 "Қарақалпоқiston эркак". Б/ф. /рус тилида/.  
00.30 Курсулгулар тартиби.  
00.55 "Турмуш қўнлар". /рус тилида/.  
01.25 "Совиша". Б/ф. /рус тилида/.  
03.15 "Ушларим".  
03.25 "Адолат мезони".  
03.40 "Иттиҳонлар". Б/ф.  
05.00-06.00 "Салом, Тоғхонент".

06.00 "Хайридан тонг".  
6.10 "Саломат бўлинг".  
6.30 "Жасур болалар".  
7.00 "Нобел истади". Хужжатли фильм.  
7.25 Болалар майдончаси:  
Тоғхонент гимнастика.  
"Спортландия". Мультфильм.  
8.00 ХАБАРЛАР.  
8.25 "Саломат бўлинг".  
8.45 Футбол. Ўзбекистон чемпиони.



"Пастакор" - "Набахор".  
10.20 Билтон. Жаҳон кубони.  
11.15 Футбол. Англия чемпиони.  
"Тоттенгем" - "Арсенал".  
12.55 Рақамлар, нитколар, реинглар.  
13.00 ХАБАРЛАР.  
13.10 Болалар майдончаси:  
"Спортландия".  
13.35 Жаҳон чемпиони:  
Триумфдан сакраш.  
Четин пойташ.  
15.15 "Ритг қорралари".  
16.15 Футбол. Испания чемпиони.  
"Мадрид" - "Атлетико".  
18.00 Болалар майдончаси:  
"Спортландия". Мультфильм.  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.50 Интерфутбол.  
20.30 "Спорт - маркет".  
20.40 "Футбол шарри".  
21.30 ХАБАРЛАР.  
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпиони.  
"Локомотив" - "Бухоро".  
23.25 Сезанна дастури аниси.  
23.45 Жаҳон кубонидан.  
Билтон. Тоғ хониси.  
1.30 ХАБАРЛАР.  
1.55 Енгил атлетика. Европа чемпиони.  
3.00 Жаҳон чемпиони:  
Триумфдан сакраш.  
Четин пойташ.  
5.00 + 5.50 "30 йилда 30 юрда" хужжатли фильм.



07.00 08.20 10.30 15.20 18.30 19.50 20.35  
00.00 04.00-05.00 "ТВМ" наволари  
08.00 "Prime time".  
09.40 Сериал "Без следа".  
11.30 "Напролом" Х/ф.  
14.10 Сериал "Хўнлидан йўллари".  
15.00 "Prime time".  
18.00 "Премьера".  
18.40 Сериал "Ҳиндистон йўллари".  
19.50 "Prime time".  
20.00 "Топ-10".  
21.10 Сериал "Без следа".  
22.00 "30/50 ЖИЗНИ ПРЕКРАСНА" Х/ф.  
02.00 Фестивальное кино: "Артист".

04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро"  
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости  
09.05 "Жизнь закончилась"  
10.05 Модный приговор  
11.15 Контрольная закупка  
11.40 Вечера обещаний  
12.10 "Доброе утро" /рус тилида/  
13.00 Дунёдаги хабарлар  
13.25, 17.40 Пойташ. Проспект  
14.15 "Делуша и сердце".  
14.55 "Непутевые заметки".  
15.10 Ирина Кутченко. Необыкновенное чудное.  
16.10 Т/с "Нервный браз".  
17.00 Вестерне новости  
18.10 "Давай поженимся".  
19.05 "Пусть говорят".  
20.00 "Время".  
20.30, 02.05 Т/с "Анна Каренина".  
22.15 "Вестерный Ургант".  
22.50 "Свобода и справедливость".  
23.45 Ночные новости.  
00.00 Х/ф "Семья Ивановых".

### РОССИЯ 1

04.00 Утро России  
08.00 "100 миллион". Тоқшоу.  
08.45 "Ю Сумам главному". Тоқшоу.  
09.30 Т/с "Кулибин и партнери".  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.  
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва.


10.50 Т/с "Тайны следствия".  
11.50 "Дело Х. Следствие продолжается". Тоқшоу.  
12.50, 15.45 Вести. Дежурная часть.  
13.50 Т/с "Ефросинья. Таёжная любовь".  
14.45 Т/с "Тайны института благородных девиц".  
16.50 Т/с "Катерина. Семья".  
19.30 Спокойной ночи, малыши!  
19.40 "Правый эфир".  
20.25 Т/с "Катерина. Другая жизнь".  
23.10 "Дежурный по стране". Миллий Жюри.  
Жюри.




04.00 "НТВ уторм".  
06.10 Т/с "Возвращение Мухомора".  
09.00 11.00 14.00 17.00 21.15 Сегодня.  
08.20 Чрезвычайное происшествие.  
08.50 "До суда".  
08.55 Сул приқонлар.  
11.25 "Сул приқонлар. Окончательный вердикт".  
12.55 Т/с "Супруги".  
13.50 16.00 Обзор. Чрезвычайное происшествие.  
14.25 "Прокурорская проверка".  
15.40 "Говорим и показываем". Тоқшоу с Леонидом Закошанским.  
17.50 "Брестье десанта".  
21.25 Т/с "Чужой район".  
23.30 "Витна за Север". "Секретная война в Арктике".

### РОССИЯ 2

04.00 06.45 "Все включено".  
04.50 "Моя планета".  
05.15 "Утро из космоса".  
06.05 08.00 16.20 Вести-Спорт.  
06.45 "Моя рубашка".  
07.40 10.40 ВЕСТИ.ИЛ.  
08.10 Х/ф "Турбулентность".  
10.10 "Наука 2.0. Эксперименты". Вертолеты.  
11.00 "Местное время. Вести-Спорт".  
11.30 Хужжатли фильм.  
13.45 Билтон. Кубок мира.  
Триумфдан сакраш. Шортинг.  
16.30 Премия "Норд и роза".  
18.25 "Охотки. КХЛ".  
20.45 "Нелегитим".  
21.50 "Альтернатива".  
22.30 "Кино в деталях" с Фёдором Бондарчуком.  
22.55 Футбол. Чемпионат Англии. "Астон Вилла" - "Манчестер Сити".



05.00 М/с.  
07.00 09.30 "Нереальная история".  
08.00 16.30 "Воронины".  
10.00 23.00 "Давать молодёжь".  
11.30 12.30 22.20 "70 қилвор".  
13.00 "Кинг-Конг".  
19.00 "Воскресенье".  
20.00 "Светофор".  
22.30 "Дневные девицы" Х/ф.  
23.30 "Кино в деталях" с Фёдором Бондарчуком.



05.00 МультХ/ф.  
08.00 "Человек-шешиджа".  
09.00 16.00 ДокХ/ф "Параллельный мир".  
10.00 17.00 20.30 "Х-Версии. Дунёдаги хабарлар".  
11.15 Х/ф "Первый улар".  
13.00 Х/ф "Плане синова 17".  
15.00 19.30 ДокХ/ф "Галактика".  
17.00 ДокХ/ф "Охотники за привидениями".  
18.30 Т/с "Пятая строка".  
21.00 Т/с "Токсикет".  
22.00 Х/ф "Танго и Кши".  
05.00 Х/ф "Созидат".



5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Ушқин дунё".  
7.05 "Кўнги қўшиқ истайд!"  
7.20 Миллий сериал: "Опа - сингалар".  
8.00 "Ахборот".  
8.40 "Навоийин англаш".  
8.55 Миллий сериал: "Чемпионлик озуғи".  
9.25 "Аёл ва замон".  
9.50 "Ҳатин дунё".  
10.10 "Икки дугона", Т/с.  
11.00 "Ахборот".  
11.10 "Муҳаббат вальси", Т/с.  
11.55 "ТВ - шифокор".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12.50 "Кўнги қўшиқ истайд!".  
13.05 "Ахборот" /инглиз/.  
13.15 "Комиссар Реке", Т/с.  
14.00 "Ахборот".  
14.15 "Дунё мангаллари".  
14.35 "Қалибга қулоқ туғ", Т/с.  
15.15 "Эл тилчиси йўлда".  
16.00 "Қорёқич".  
16.35 "Тезкор хабарлар".  
16.45 "Менинг боғим".  
17.00 "Ахборот".  
17.10 "Сизнинг адвокатингиз".  
17.20 Миллий сериал: "Опа-сингалар".  
18.00 "Кўнги қўшиқ истайд!".  
18.15 "Эртаклар - юштинсика етаслар".  
18.35 "Ифтихор".  
18.40 "Комиссар Реке", Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Ўншонолар.  
19.30 "Ахборот" /рус/.  
20.05 "Навоий буютичидан".  
20.10 "Муҳаббат вальси", Т/с.  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Қишлоқ ҳаёти".  
22.00 "Кўнги қўшиқ истайд!".  
22.15 "Иқлим".  
22.20 "Оливер Твист", Б/ф, 1-қисм.  
23.25 "Менинг боғим".  
23.30 Кўрсатувлар дастури.  
23.40 "Ҳатин дунё".  
00.00 "Маржон".  
00.30 Миллий сериал: "Чемпионлик озуғи".  
1.00 "Ахборот" /рус/.  
1.30 "Ҳатин дунё". Кампир тоғайми, дадажон, 2-қисм.  
2.05 "Юрган - дарё".  
2.20 "Қўда замин оханлари".  
2.45 "Иқлим".  
2.50 "Қишлоқ ҳаёти".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Ахборот".  
4.40 Миллий сериал: "Опа-сингалар".  
5.20 "Навоийин англаш".  
5.35 "Менинг боғим".  
5.50-5.55 "Навоий буютичидан".



6.00 "Ватан меҳри".  
6.10 Миллий сериал: "Чархаллақ".  
7.00 "Дил ихори".  
7.10 "До-ми-сола".  
7.30 "Мультипликация".  
8.00 "Ёштак наволари".  
8.20 Миллий сериал: "Каманининг олдидан".  
9.00 "UzEX".  
9.10 "Муъжизавий дунё".  
10.00 "Давр".  
10.10 Миллий қизи: "Кечиккан ҳаёт".  
11.30 "Наврў ишидаси".  
12.00 "Қўмулчоқ".  
12.30 Миллий сериал: "Жийда гули".  
13.00 "Давр".  
13.10 "ТабииТ".  
14.00 "Йўл-Ўлкаси".  
14.30 "Давр мавзуси".  
14.50 "Ёштак наволари".  
15.10 Миллий сериал: "Чархаллақ".  
16.00 "Давр".  
16.10 Миллий қизи: "Ҳайнонот боғи".  
16.40 "Эўфия илошоғлари".  
16.10 "Депортация".  
17.10 "Пинжаон", Б/ф, 2-қисм.  
18.30 "Ёштак наволари".  
18.50 "UzEX".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Афсунлар", Т/с.  
20.20 "Айлан".  
20.50 "Эртакчи болаларлар".

21.10 "ТабииТ", Т/с.  
22.00 "Давр".  
22.30 Миллий сериал: "Жийда гули".  
23.10 "Муъжизавий дунё".  
- 20:15 Х/ф "Убийство в Белом доме"
- 22:30 Х/ф "Пассажир 57".
- 00:15 Х/ф "Залечь на дно в Брюгге".



### Душанбе

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муסיқа вақти" дастури  
09:00 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (34-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
10:10 "Шабнам" б/ф  
11:45 "Муסיқа вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 Форум вақти  
12:30 "Борига барака" кўрсатуви  
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
13:10 "Улкан аскар" б/ф  
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
15:20 "Кинолаборатория" кўрсатуви  
15:45 "Муסיқа вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:10 "Клон" т/с (225-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этали  
18:10 Мультифильм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (35-қисм)  
19:00 "Муסיқа вақти" дастури  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
19:40 "Клон" т/с (226-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "Чой устида" кўрсатуви  
21:30 "Келинлар можароси" б/ф премьераси  
23:45 "Муסיқа вақти" дастури!  
00:00 Тунги кинозал:  
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

### С.Чинқобил

05:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муסיқа вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (35-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
10:10 "Тағто ёхуд алашган совиналар" б/ф  
11:45 "Муסיқа вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 Форум вақти  
12:30 "Бизнинг объектида" кўрсатуви  
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
13:10 "Кутубхоначи" б/ф  
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
15:20 Форум вақти  
15:45 "Муסיқа вақти" дастури

16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:10 "Клон" т/с (226-қисм)  
16:50 "Бизнес промо"  
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этали  
18:10 Мультифильм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (36-қисм)  
19:00 "Муסיқа вақти" дастури  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
19:40 "Клон" т/с (227-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "25 калр" кўрсатуви  
21:35 "Кувини" б/ф  
23:45 "Муסיқа вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Серше дракон" б/ф  
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Чоршанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муסיқа вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (36-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
10:10 "Кечинкан ҳаёт" б/ф  
11:45 "Муסיқа вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 "Супер келинчақ" телешоу  
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
13:10 "Жасур мулан" б/ф  
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
15:20 Форум вақти  
15:45 "Муסיқа вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:05 "Клон" т/с (227-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этали  
18:10 Мультифильм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (37-қисм)  
19:00 "Муסיқа вақти" дастури  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
19:40 "Клон" т/с (228-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "Борига барака" кўрсатуви  
21:30 "Оушенинг 13 дўсти" б/ф премьераси  
23:45 "Муסיқа вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Скала" б/ф  
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Пайшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "Форум хабарлари"

кўрсатуви  
08:40 "Муסיқа вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (37-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
10:10 "Чол ва набира" б/ф  
11:45 "Муסיқа вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 Форум вақти  
12:30 "Чой устида" кўрсатуви  
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
13:10 "Келин рақата тушамиз" б/ф  
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
15:20 Форум вақти  
15:45 "Муסיқа вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
16:05 "Клон" т/с (228-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси  
18:00 "Янги авлод" студияси намойиш этали  
18:10 Мультифильм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (38-қисм)  
19:00 "Муסיқа вақти" дастури  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоқи  
19:40 "Клон" т/с (229-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "Антракт" кўрсатуви  
21:30 "Онлар" б/ф премьераси  
23:45 "Муסיқа вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Қовдон прагиаи прищельца" б/ф  
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Жумба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муסיқа вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Мен юдзуман" б/ф  
09:45 "Йил айти 2012" тақдирлаш маросими  
11:30 "Бизнес-промо"  
11:40 "Муסיқа вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блоқи  
12:10 "Севинганлар" б/ф (Ҳиндистон)  
15:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
15:50 "Бизнес-промо"  
16:10 "Дилкаш лаҳзалар" кўрсатуви (байрам сони)  
17:30 "Чой устида" кўрсатуви (байрам сони)  
18:00 "Мехрибоним" б/ф премьераси  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Уялфатлар" кўрсатуви (байрам сони)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури

21:05 "Дилдор ширин" кўрсатуви (байрам сони)  
23:00 "Кутилмаган тақдир" б/ф  
01:00 "Муסיқа вақти" дастури  
01:30 Тунги кинозал:  
"Сбешая невеста" б/ф  
03:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "25 калр" кўрсатуви  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Мадагаскар-2" м/ф (1 қисм)  
10:00 "Мехрибоним" б/ф  
11:45 "Муסיқа вақти" дастури  
12:00 "Уялфатлар" кўрсатуви (байрам сони)  
15:00 "Дилкаш лаҳзалар" телешоу  
16:30 "Даралан сўнг" кўрсатуви  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Худуд" телешоу-викторинаси  
18:00 "Шеф" б/ф  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Яшил олма" кўрсатуви  
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоу  
20:20 "Супер келинчақ" телешоу  
22:00 "Парвоз завоқи" кўрсатуви  
23:00 "Севгининг баҳоси йўқ" б/ф (Ҳиндистон)  
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файзли тонг" дастури  
08:30 "Буни ҳаёт дейдилар"  
09:00 "Мадагаскар-2" м/ф (2 қисм)  
10:00 "Элвин ва бурунқўлар" б/ф  
11:30 "Comedy.UZ" теле-шоу  
12:00 "Супер келинчақ" телешоу  
13:40 "Парвоз завоқи" кўрсатуви  
14:30 "Севгининг баҳоси йўқ" б/ф (Ҳиндистон)  
16:30 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури  
16:50 "Бизнес промо"  
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси  
18:00 "Антракт" кўрсатуви  
18:40 "Бизнинг объектида" кўрсатуви  
19:20 "Бизнес промо"  
19:30 "Дилкаш лаҳзалар" телешоу  
21:00 "Дилдор ширин" мушиқ-дам оиди дастури  
23:00 "Жодулар" б/ф  
00:45 "Муסיқа вақти" дастури  
01:00 Тунги кинозал:  
"Знаменье" б/ф  
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

# Кўлам келтириш, келмоқда баҳор!

Ҳовлидаги мевали дарахтга бир қаранг! Унинг нодалари беҳисоб гунчалар билан безанишга шайланмоқда. Ҳадемай, у юз очиб, ранг-баранг гулга, сўнгра ям-яшил баргга айланади. Ана шу дамда қадимий байрамимиз — Наврўз экинчилигини ҳис этасиз. Чексиз само теграсида қанот қоқайтган турналар азиз бошингиз узра алёрлар айтади. У мустақил Ватанингда барқарор бўлиб турган тинчлик муборак бўлсин, дегани бўлади. Яхши ниятлар билан кўчат ўтқазаётган юрдошларимизнинг нияти эзгу. Негаки, улар ҳаракатида нафақат Ватанга чирой, балки барака бахш этиш туйғуси ҳам бор. Зеро, илдиэ отажак ниҳолларда эл-юртнинг эртанги роҳат-фароғати мужассам.



## ЧОРЛОВ

Тонги кўш нурлари — зар,  
Боғи баҳор йўллари — зар,  
Олча, ўрик гуллари — зар,  
Кел навбахор, кел навбахор!

Сочида толдан жамалак,  
Кўзгайди қизлар сумалак,  
Сени қўмсар еру фалак,  
Кел навбахор, кел навбахор!

Бу кун ялпиз баргин ёзиб,  
Дехқон ниҳол, гўл ўтқазиб,  
Ўлкамга гуллар тутқазиб,  
Кел навбахор, кел навбахор!

Диллар аро шодлик солиб,  
Мангу яшна бизда қолиб,  
Ёшлик баҳоримни олиб,  
Кел навбахор, кел навбахор!

Мансур АЛЛОВИДИНОВ

Не бахтки, шундай бебаҳо имконият занжирда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоасининг ҳам катта ҳиссаси бор. Биргина ўтган йили кўкламолди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида филиал ва унинг шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари химмати билан минг туздан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Яқинда ўтқазилган кўкламолди хашари кунда ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарилди. Филиал худуди маиший ва курилиш чикиндиларидан тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Ерларга ишлов берилиб, мавсумий гуллар уруғини сешишга тайёргарлик кўрилди. Ободонлаштириш ишларида филиалнинг ҳар бир ходими сидкиндилдан қатнашиб, ният қилганлар бир туздан дарахт кўчатини экомқда.

Хашар — дала ишлари, экинчилик, уй куриш, тўй-ҳашамларда кенг қўлланилган. Хашарга келиш шарт бўлган. Агар узрли сабаб билан кела олмаса, хашарчилар учун таом пишириб юборганлар, жамоа манфаати учун бўладиган хашарлар ҳам бўлган. Булар — йўл куриш, кўприк, носоз ер-жойларни тартибга келтириш, ҳамма жамоа бўлиб фойдаланишдан масканларни қайта таъмирлаш ва бошқалар.

Ташкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам теварик-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ниятида хашарга чиқди. Ҳар шанба-якшанба кунлари филиал худуди, унинг ён-атрофида иш қизигандан-қизийди. Бир ёкадан бош чиқариб бажарилган ишлар самараси ҳалитдан салмоқли бўлаётир. Кейинги пайтда филиал худуди манзарали дарахтларнинг янги навлари билан бойи-

ди. Мавсумий гулларнинг энг саралари танланмоқда.

Амалга оширилаётган янгиланиш ишларига дахлдорлик ҳисси "ЎЗИ-Қарши" филиали жамоасини ҳам ободонлаштириш ишларига ундамоқда. Жамоа ўзига бириктирилган худудда ҳар йили кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боради. Манзарали дарахтларга ишлов ва шакл бериб, шаҳардаги АТС бинолари ва уларнинг атрофида ҳам шу зайдла ишлар давом эттирилади. Филиалнинг ЭАТС, телеграф ва сўзлашувлар масканларида ҳам ички тозалаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилиб, бино ва ишпоотнинг ички ва ташқи кўринишлари эътибордан четда қолмайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали, бир неча йилдирки, янги масканда фаолият олиб бормоқда. Худуди бир неча гектарни ташкил этган ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Токзор ва мевали дарахтларнинг хосилдорлиги, албатта, нарваришга боғлиқ. Буни яхши англаган ишчи-ходимлар вақти-вақти билан хашар уюштириб турадилар. Туманлардаги телекоммуникация боғдамаларида ҳам бу каби юмушлар бажарилиб, барча бирдек хашар ишларига ўз хиссасини қўшади.

Буларнинг барчаси она заминимиз кундан-кунга чирой очиб, гўзал киёфа касб этишини ният қилган вилоят алоқачиларининг қалб аъмолига айланган. Амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар минг йиллардан буён давом этиб келаётган миллий кадрятларимиз ифодасидир.

Афтондия ИСМОИЛОВ,

"Хабар"нинг Қашқадарё вилотидаги мухбири

## Наврўз яқин...

Сурхондарё вилоти ҳоқими фармойишига биноан, худуддаги алоқа корхоналарида умумхалқ байрами — Наврўзни кўнгилдагидай нишонлаш мақсадида мутахассис кадрлардан иборат навбатчилар гуруҳи ташкил этилди. Жамоаларда гуруҳ аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, вилоят ҳоқими фармойишининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

— Корхонамизда 21 нафар малакали мутахассисдан иборат ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади, — дейди биз билан сўхбатда "ЎЗИ-Термиз" филиали техник директори Соатмурод Кўчаров. — Шаҳарликлар ва шаҳар меҳмонларига хизмат кўрсатаётган электрон рақамли телефонларнинг ҳамда замонавий телефон станцияларининг узлуксиз, бенуқсон ишлаб туришини назорат қилиш гуруҳ аъзолари зиммасига юклатилган. Бу ҳақда улар Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Сурхондарё вилоти худудий бошқармаси ва "ЎЗИ-Термиз" филиалига ўз вақтида оғзаки ҳамда ёзма ахборот бериб боришади.

Умид қиламизки, 4 мартдан 24 мартгача бўлган даврда йўлга қўйилган бу тодбир байрамнинг ҳар томонлама намунали ўтишида катта аҳамият касб этади. Энг муҳими, оилалардаги ва ишхоналардаги электрон рақамли телефон кўнғироқлари барчага баҳорий байрам қувончларини етказиб, улў айём соатларига завку шавқ улашади.

Нортожи ЗИЁЕВ,

"Хабар"нинг Сурхондарё вилотидаги мухбири

Глобал ахборот технологиялари бозорини таҳлилдан ўтказган Berg Insight хулосасига кўра, 2012 йилда сайёрамизда яшовчиларнинг ўз мобил курилмаларига иловаларин юклаб олиши 60,1 млрд.га етган, бу бир йил илгаригидан икки маротаба кўпдир.

Агар ҳозирги 17 фоизлик ўсиш сақланиб турса, яна беш йилдан кейин мобил иловалар бозори ҳажми 14,1 млрд. долларга етиши кутиляпти.



## Strategy

Analytics тадқиқотлари 2012 йил сўнги чорагида энг кўп Apple iPhone 5 смартфонлари сотилганини кўрсатди: октябр-декабр мавсумида 27,4 млн.та курилма сотилган. Оммавийлиги бўйича иккинчи поғонада жойлашган Samsung Galaxy S3 аппаратларидан 15,4 млн.таси бу даврда ўз харидорларини топган.




## АТ-хабарлар


Toshiba компанияси "аклли" мобил хотира ишлаб чиқди. Хотира смартфон ёки планшетнинг қачон фаоллашини илғайди ва шунга мос равишда фаоллашади, жараён амалга ошганидан сўнг эса энергияни тежаш тартибига ўтади. Компаниянинг маълум қилишича, бу тизим мобил курилмани ишлатишда энергия кам сарфланишига хизмат қилади.



Аҳмад ал-Фаргоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази республикамиздаги энг нуфузли кутубхоналардан ҳисобланади. Бу ерда "Central-Asia-2008" "Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш" мавзудаги халқаро конференцияси ўтказилгани ҳам шундан бир далолатдир. Яқинда мазкур АКМ директори Дилором Шукурова республика кутубхоначилари ва ТАТУ ўқитувчиларидан иборат гуруҳ таркибиде Германия кутубхоналари тажрибаси билан танишиб қайтди.



Сафар таассуротлари



# Тамаддун йўлидаги ҳамкорлик

Сафар иштирокчиларга қандай маънавий озуқалар берди? Дилором Шукурова билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Германияни, айниқса, кутубхоналарини кўриш менинг азалий орзуим эди. Хукуматимиз томонидан молиялаштирилган ушбу сафар менга ҳам насиб этганидан беҳад бахтиёрман. Қолаверса, бу сафар Республика АКМ-да Гёте институти билан ҳамкорликда ташкил этилган назарий семинарнинг давоми — амалиётини кўрдик. Бошқача қилиб айтганда, электрон кутубхоналар ва электрон каталоглар ташкил этиш бўйича билимларимизни бойитиб қайтдик. Ўрни келганда айтиш жоиз, ўзимиз ҳам бу ишга астойдил киришганмиз. Электрон каталогга киритилган китобларимиз сони 250 мингтадан орти. Лекин хали бу борада қилишимиз зарур бўлган ишлар тўлиб-тошиб ётибди. Бинобарин маънавий хазинамиз шунчалар бой ва янада бойиб бормоқдаки, бу чексиз давомли жараёндир.

Мюнхендаги олий ўқув юртлиридаги ва яна 11та кутубхонада бўлдик. Фаолиятда айрича ўринларимиз талайгина. Шуниси диққатга сазоворки, кутубхоналар уюшмасидан ташқари, кутубхоначилар уюшмаси ҳам фаолият юритар экан. Кутубхоналар уюшмасига катта-кичик кутубхоналар аъзо бўлиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланар, шу тарзда бирдамлик руҳи вужудга келтирилар экан. Мақсад — китоб мутолаасини кучайтириш, аҳолининг ахборот олишини тобора қулайлаштириш бўлган бу тажрибани ўзимизда ҳам қўлласак, менимча, фаолиятимиз янада жонланади.

— Германия кутубхоналарида хизмат кўрсатишнинг қайси жиҳатлари сиз учун янгилик бўлди?

— Уларда китоб жамғармасининг 80-90 фоизи очик фонdda жойлашганлиги, кутубхоналарнинг 80 фоиз жамғармасини электрон нашрлар ташкил этиши, китобхонларнинг ўзлари мустақил равишда китоб кидиришлари учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳамда кўриқчи электрон эшиклар ўрнатилганлиги боис ҳеч ким китобни рўйхатдан ўтказмай олиб кетолмаслиги менга жуда маъқул бўлди. Яшаш жойидан қатъи назар китобхон электрон каталогдан фойдаланиб буюртма бермоқчи бўлган китоби кутубхонадами, ўқув залида ёки қўлдами — маълумот олиши мумкин. Қўлда бўлса, китоб қайтарилишини кутиш, навбатга туриш ҳақида SMS хабар юборилади. Яна бир қизиқарли жиҳати шуки, ҳар бир китоб муқовасига уч хил рангдаги тўртбурчак шаклдаги қорғошчалар ёпиштирилади. Қизил ранглиси уйга берилмаслигини ифодаласа, яшили, аксинча, уйда ўқиш учун фақат икки ҳафтага берилиши мумкинлигини, сарик ранглиси уйга фақат икки кунга берилишини билдиради.

— Агар китоб муддатда қайтарилмаса, қандай чора кўришади?

— Жарима белгиланган бўлиб, жарима автоматлаштирилган тарзда ҳисобланиб, китобхон билети орқали тўланади. Мабодо жарима 15 кун муддатда тўланмаса, китобхон ўз-ўзидан китобхонлар сафидан чиқариб юборилади.

Менга ёққан яна бир нарсаси шу бўлдики, кутубхоналарда муаллифлик ҳуқуқи қонун-қоидаларига қатъий риоя этилади. Барча кутубхоналарда 1920 йилгача нашр қилинган китоблар рақамлаштирилган. Кўп сўраладиган ва янги нашр қилинган китобларни рақамлаштириш, нусхасини кўпайтириш

ва тарқатиш мумкин эмаслиги нашриётлар билан бўлган шартномаларда акс этади. Ўз навбатида, китобхонлар билан ҳам китобнинг 15 фоизидангина нусха олишга рухсат этилиши тўғрисида шартнома тузилади.

Немис кутубхоналарида компьютерлар жуда кўп ва улардан бепул фойдаланилади. Кўчма кутубхоналар ташкил этиш билан алоҳида кутубхона — "Берлин сити кутубхоналари" деб аталувчи кутубхона шуғулланишига ҳам хавасим келди. Ушбу кутубхона 40 мингта китоб фондида, учта библиобусга эга бўлиб, мактаблардаги 1-4 синф болаларига хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, деярли барча кутубхоналарда кўзи ожизлар учун махсус компьютерлар борлиги диққатимни тортди. Биз ҳам шундай компьютерлар олишни, умуман, имконияти чекланган кишиларга хизмат кўрсатишдек хайрли ишларни кўпайтиришимиз керак.

— Кутубхонага аъзо бўлиш пулликми? Олий ўқув юртлири кутубхоналаридан олган таассуротларга ҳам қисқача тўхталсангиз.

— Баъзиларида 25 евро тўланса, баъзилари бепул. Масалан, Берлиндаги Эркин университет кутубхонасига кириб фойдаланиш учун аъзо бўлиш шарт эмас. Фақат китобни уйга олиб кетишни истаганлар бундан мустасно. Бунинг учун кутубхонага, албатта, аъзо бўлиш талаб этилади. Гумболдт университетида учта босқичда ахборот технологиялари ва электрон кутубхона бўйича мутахассислар тайёрланади. Мамлакатда кутубхона раҳбарлиги лавозимига фақат магистратуранини тугаллаганлар тайинланса, бакалавриятни тамомлаганлар ўрта лавозимларда ишлашлари мумкин экан. Кутуб-

хоначи-раҳбарлар орасида профессорлар, фан номзодлари кўплиги ҳам улар қанчалар илгарилар кетганини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, талаба яқка тартибда ва гуруҳларда шуғулланиши учун ҳам хоналар ажратилади. Бунинг учун аввалдан буюртма бериб қўйилади. Талабаларнинг кутубхоналарда ишлаш ҳуқуқлари бўлиб, улар қаттиқ тест синовларидан сўнггина ишга қабул қилинадилар ва кечки соатларда, дам олиш кунларида ишга жалб этиладилар.

— Кутубхоначиларга маош тўлаш тартибидаги фарқ нимада?

— Уларда китоб берилиши, қатнов меъёрлари ўрнатилмасдан, балки кутубхоначи ойлиги унинг маълумоти, стаж ва кутубхона ишларини ривожлантиришга қанчалар ҳисса қўшаётганига боғлиқ экан.

Гапни мухтасар қилиб айтганда, Берлин давлат кутубхонасининг улканлигини кўриб қанчалар ҳайратланган бўлсам, Германияда табиат муҳофазасига жиддий эътибор берилиши, шаҳарларнинг ободлиги, боғлардаги ҳар бир дарахт инвентарлаб, кўз қорачиқдек асралиши, йўлларда велосипедчилар учун алоҳида йўлқалар ажратилгани кабилардан ҳам шунчалар ҳайратландим. Ҳа, аниқлик, пухталик ва озодалликка ҳаётини қандай сифатида қаровчи немис халқининг умуминсоний кадриятларини эъозлаш, яратувчилик ва ижодкорликдек ҳислатлари ҳам ниҳоятда кўплигини юракдан ҳис этдим.

— Маъмули суҳбатингиз учун раҳмат.

Ҳафиза САЛЯХОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона  
вилоятидаги муҳбири

## XABAR-LUG'AT

**БИОНИКА (ИНГЛ. BIONICS)** — тирик табиат тамойиллари, ҳоссалари, вазибалари ва тизимларини техник қурилма ва тизимларда қўллашга қаратилган амалий фан. Интернет ҳам ўз-ўзини ташкил қилувчи тизим бўлиб, кўп жиҳатлари билан тирик организм эволюциясини "такрорлайди".


**БИТ (ИНГЛ. BIT)** — ахборот тизимларида ахборотни ифодаланишнинг энг кичик бирлиги. Ахборот миқдорининг энг кичик ўлчов бирлиги ҳисобланади. Ахборот 0 ва 1 сонларининг кетма-кетлиги билан ифодаланади. Атама "binary digit" (иккилик рақам) иборасининг қисқартмаси бўлиб, Пренстон университети профессори Жон В.Тукей томонидан киритилган.

FOYDALI SAYTLAR

INTERNET-SABOQ

# e-dastur.uz

илм талабида изланаётган ёшлар учун



**Д**астурлаш тилларини ўрганишни мақсад қилган, умуман, ахборот технологияларига қизиқувчи ёшлар учун ўзбек тилидаги яна бир фойдали сайт. Ушбу сайтда дастурлаш бўйича бир қатор видео ва

матнли дарсликлар, ахборот технологиялари соҳасига оид мақола ва янгиликлар билан танишиш мумкин. Шунингдек, турли ўйинлар ва фойдали дастурларни юклаб олиш имкони бор.

## INFO-XABARLAR

### Уяли телефонлар мажбурий рўйхатга киритилди



**Б**ундан буён Ўзбекистонга олиб кирилатган уяли телефонлар мажбурий маркировка қилинган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 19 февралдаги қарорига кўра, мамлакатимизга кириб келиш жараёнида мажбурий тамгаларга ва махсус идентификацион белгиларга эга бўлиши зарур бўлган истеъмол товарлари рўйхати янгиланган эди.

Бу рўйхат Президент Ислоҳ Каримовнинг шу йил 29 январда қабул қилинган "Маҳаллий махсу-

лотлар рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларнинг ноқонуний олиб қилинишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қайта кўриб чиқилган.

Юқорида номи кайд этилган товарлар рўйхатга киритилган кундан бошлаб 180 кунгача республикага тамғасиз киритилиши мумкин.

Идентификация белгиларининг номинал қиймати ва тамғалаш бўйича харажатлар Давлат божхона кўмитаси махсус жамғармаси маблағлари эвазига қопланади.

### Интернет орқали қабулга ёзилиш



**Г**ермания Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси 2013 йил 1 мартдан бошлаб барча турдаги визаларга ариза топишириш учун интернет орқали олдиндан қабулга ёзилиш тизимини ишга туширади.

"Ушбу электрон тизим аризачиларнинг кутиш вақтини анча қисқартиради ҳамда аризачиларга ва виза бўлимига ўз иш кунини янада яхшироқ режалаштириш учун имкон беради", — дейилади элчихона хабарида.

Немисча-русча ва инглизча-ўзбекча талқинлардаги тизим аризачиларга ўзларига қулай бўлган вақт учун бепул тарзда элчихонанинг виза бўлимига қабулга ёзилиш имкониятини беради. Ушбу тизимда интернет орқали қабулга муаммосиз ёзилиш учун тегишли кўрсатма ва маълумотлар ҳамда элчихонанинг эслатмалари учун ҳаволалар мавжуд.

Телефон орқали қабулга ёзилиш ёки олдиндан қабулга ёзилмасдан виза бўлимига кириш тартиби 2013 йил 1 мартдан бошлаб бекор қилинади.

### Ўзбек тилида янги техноблог



**Ў**знетда мобил қурилмаларга бағишланган ўзбек тилидаги янги техноблог ишга тушди. Mobiman.uz домени остида фаолият бошлаган лойиха муаллифлари Хамза Фозилжонов ва Тўлқин Юсупов ҳисобланади.

Mobiman'да янгиликлар, таҳлилий мақолалар, мобил телефонлар каталоги ҳамда дастурий илова ва ўйинлар каталогларини ҳам жойлаштириш кўзда тутилган.

## 9-DARS.


### Grafik obyektlarni saqlash

Barcha veb-sahifalar o'zining tarkibida matn, rasm, animatsiya kabi turli obyektlarni birlashtirgan. Veb-sahifadagi obyektlarni alohida ko'rinishda saqlab olish mumkin.

Ushbu darsimizda veb-sahifa tarkibidagi grafik obyektlarni saqlash usulini ko'rib chiqamiz.

Sahifadan grafik obyektни tanlang va unga sichqoncha o'ng tugmasini bosing.

Paydo bo'lgan kontekst menyusidan "Сохранить рисунок как" amalini tanlang.



Rasmni saqlash oynasidan grafik obyektning saqlanadigan joyini va nomini ko'rsating.

"Сохранить" tugmasini bosing.

Shundan so'ng tanlangan grafik obyekt ko'rsatilgan joyga berilgan nom bilan saqlanadi.

## 10-DARS.

### Sahifa qismini saqlash

Veb-sahifalarning obyektlarini alohida ko'rinishda saqlashdan tashqari, bir necha xil materiallarni o'zida jamlagan qismini ham saqlash mumkin. Buning uchun:

Sichqoncha ko'rsatkichi yordamida veb-sahifaning kerakli qismini belgilang.

Veb-sahifa belgilangan qismining ustiga sichqoncha o'ng tugmasini bosing.



Paydo bo'lgan kontekst menyusidan "Копировать" amalini tanlang.

Shundan so'ng Microsoft Word matn muharriri ish maydoniga o'ting va uskunalar panelidan "Вставить" tugmasini bosing.



Ko'rib turganingizdek, natijada hujjat maydonida veb-sahifaning tanlangan qismi nusxasi paydo bo'ladi.

Дарслар ТАТУ мутахассислари томонидан тайёрланган

## ФАКТ

Телевизион технологиялар факултети "Компютер графикаси ва дизайн" кафедраси катта ўқитувчиси Т.Рахимовнинг "Основы цифрового аудио" ("Рақамли аудио асослари") номли китоби чоп этилди. Маъқур китоб рақамли аудио асослари бўйича Ўзбекистон ва МДХда илк дарслик бўлиб, у телевизион технологиялар факултетининг аудио-видео технологиялари ва овоз ёпиш технологиялари таълим йўналишлари учун мўъалланган. Китоби чоп этилиши "Ўзбектелеком" АК ва "UZDIGITAL TV" МЧЖ хомийлик қилинди.

# Сермазмун ва серташвиш соатларда

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг почта алмашув ва тарқатиш участкасида

Репортаж

Ёш ҳамда тажрибали ҳайдовчи Ёқубжон Даминов бошқарувидаги "Дамас" русумли машина Термиз аэропортидан ўз вақтида етиб келди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК орқали дунёнинг турли манзилларидан юборилган хат-хабарлар, почта жўнатмалари ва мамлакатимиз матбуот нашрларининг тандирдан узилган нондай тафтли янги намуналари участка шохобчаларига тақсимланди. Ходимлар бир зумда ўз вазифаларини бажаришга киришиб кетишди.



берилляпти.

— Мен мактабни битиришим билан шу участкага ишлаш учун келган эдим, — дейди Вера Қаххорова. — Ўтган даврда танлаган касбимга садоқат билан яшадим. Аҳли жамоамиз ҳурмат-эҳтиромини қозонишга астойдил ҳаракат қилдим. Энг муҳими, эл-юрт манфаатини кўзлаган ҳолда хизмат қилиб кам бўлмадим.

Филиалнинг почта алмашув ва тарқатиш участкаси бошлиғи Баҳодир Маматраимовнинг таъкидлашича, кейинги пайда ходимлар меҳнатини энгиллатиш йўлида кўйлаб ишлар амалга оширилди. Эътиборли жиҳати шундаки, участка моддий-техника базаси торабора мустаҳкамлаб борилмоқда. Ишхона тўлиқ компютерлаштирилди. Ҳозир тезкор почта хизмати — EMS кенг йўлга қўйилган. Олайлик, Малайзия, Жанубий Корея, Канада каби мамлакатларга жўнатилаётган ва бундай олис манзиллардан келган почта жўнатмалари узоғи билан hafta ичида ўз эгаларига етказилмоқда.

Яна бир янгилик шуки, жамоада бевосита филиал бошқаруви ташаббуси билан малакали кадрлар захирасини яратишга астойдил киришилди. Бунда "Устоз ва шогирд" аъёнаси катта аҳамият касб этапти. Соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган ва участкада

масъул навбачи вазифасини бажариб келаётган Барно Панжиева меҳнат пенсиясига чиқиш олди-дан Шерали Абдираимовга касб сирларини ўргатмоқда. Эртанги кунда бу шогирд муносиб ўринбосар бўлади.

Яқинда филиал раҳбари Усмон Сатторов филиал почта алмашуви ва тарқатиш участкаси ҳаёти билан танишиш ва жамоа аъзолари сўхбатида катнашди. Очiq мулоқот чоғи филиалнинг деярли етмиш фоиз иши бажарилаётган участка биносининг қанчалар таъмирлаш вақти етганлиги алоҳида таъкидланди. Қувонарлиси, бу хайрли иш амалдаги "Обод турмуш йили Давлат дастури" доирасида бажариладиган вазифалар каторига киритилган.

... Филиалнинг почта алмашуви ва тарқатиш участкаси шохобчаларидаги саралаш жараёни оdatдагидек тезкор бажарилди. Сифатли ишлов берилган газета-журналлар, хат-хабарлар ҳамда бошқа почта жўнатмалари Термиз шаҳри ва туманлар бўйича Холиёр Шоймардонов, Анвар Мамажонов, Саидмурод Холбековдан иборат кузатувчилар гуруҳига топширилди. Улар Термиз-Сариосиё, Термиз-Қизилқум, Термиз-Бойсун йўналишлари бўйича шаҳарлараро поезд ва автомашиналар воситасида чопарлик қилишга бошланди. Фарзандидан келган хатни, обуна бўлган газетани ўз вақтида ўқиш имкониятига эга бўлган ҳамда почта жўнатмасини белгиланган муддатда олган оилалар қувонгандан-қувонишади. Ўз навбатида, ҳолис хизмат қилганларга, раҳмат, дейишади.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг Баҳодир Маматраимов раҳбарлик қилаётган почта алмашуви ва тарқатиш участкаси аъзоларининг ҳар бир меҳнат кунини шундай сермазмун ва серташвиш соатлар билан доимо гапга ўтмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири



Суратларда: 1. Меҳнат фахрийси Вера ҚАХХОРОВА иш устида.  
2. Сараловчи Кимёхон БОЙМУРОДОВА яна бир меҳнат кунини мазмунли ўтганидан мамнун.

## Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 49-бандига асосан:

"RUXSOR TELERADIOKANALI" масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона ш.) аризасига мувофиқ радиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003368 рақамли ҳамда теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003369 рақамли ҳамда теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003370 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 18 февралдан тугатиш ва мазкур лицензияларнинг амал қилиш муддати қарор чиққан кундан бошлаб то амал қилиши тугагунча бўлган муддатта "RUXSOR TELERADIOKANALI" масъулияти чекланган жамиятга радиодастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга лицензиялар расмийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди;

"QUALCOM SERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг (Қашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ шахсий радиочақирув (пейжинг, радиотелефон, трансли) тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003542 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 18 февралдан тугатилади.

Лицензиялар томонидан лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этилгани муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 48-бандига асосан:

"NIKITA MOBAYL" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002290 рақамли ҳамда шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002291 рақамли;

"OIZILQUM CONNECT" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003904 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 18 февралдан тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 49-бандига асосан:

"SEGMENT SERVIS" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003120 рақамли;

"TEMUR MEGA TEKS" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003494 рақамли;

"ALEKSANDRA PRESS-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003401 рақамли;

"IT INNOVATION GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0004055 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 27 февралдан тугатилади.

## Табриқлаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Ғузвор телекоммуникациялар боғламасининг шаҳар телефон тармоғи электромонтёри Мурод ҲАҚҚУЛОВНИ 55 ёши қарши олиши билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Олтварик ТБ ходими Абдурашид МИРБОИТОВНИ 60 ёши, филиал ходими Йўлғали ТЎХТАНАЗАРОВНИ 50 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришлигини тилайди.

# Чемпионлик нашидаси

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоаси соҳа кубоги соҳибиди!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Спортда интилиш ва иштиёқ, маҳорат ва ирода, тинимсиз меҳнат ва идрок — чемпионликка элтувчи энг нуҳим фазилатлардир. Шу фазилатларни пухта шакллантира олган жамоагина яқунда кубокни боши узра кўтарди. Соҳа футбол алақачон ҳаваскорлик мақомидан ўтиб бўлган. Иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, уларнинг профессионаллардан ҳечам қолишмайдиган ўйинларига гувоҳ бўласиз. Бу нимадан далолат? Аввало, алоқа соҳасида ушбу спорт турига ёндашув ва эътиборнинг натижасидир.

Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб келган соҳамизнинг энг кучли 12 жамоаси уч кун давомида ғолиблик учун мурасасиз кураш олиб борди. Қуръадан сўнг, жамоалар куйидаги гуруҳларга бўлинди:

## "А" гуруҳи

1. Билайн
2. ТШПТ
3. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ

## "В" гуруҳи

1. ТАТУ
2. ТАТУ 2-академик лицейи
3. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали

## "С" гуруҳи

1. "Телекоммункация транспорт тармоғи" филиали
2. "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали
3. "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали

## "D" гуруҳи

1. "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали
2. Навоий "Алоқабанк"
3. "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали

— Қуръада, аввало, ўтган йилги финал мусобақа яримфиналчилари ҳар бир гуруҳга биттадан тақсимлаб чиқилди, — дейди мусобақа бош котиби Суннат Абдуғаниев. — Бу гуруҳларда кучларнинг тенг тақсимланиши ва етакчи жамоаларнинг бир гуруҳда тўпланиб қолмаслигини таъминлади. Гуруҳ ўйинларидаги натижаларда ҳам бу акс



этиб турибди. Кутилганидек, кучли жамоалар чорак финал масаласини ҳал қилдилар.

## Чорак финал

Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олдилар. Мазкур босқичда натижалар куйидагича бўлди:

**ТШПТ — Қашқадарё филиали — 8:1**

**ТАТУ — Навоий "Алоқабанк" — 5:3**

**ТТТ — Билайн — 3:4**

**Тошкент филиали — Академик лицей — 14:0**

Натижалардан кўриниб турибдики, соҳа кубогининг энг совриндор жамоаси — ТШПТ ҳамда "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоалари чорак финал босқичида ҳам ҳеч қандай кийинчиликка дуч келмади. ТАТУ — Навоий "Алоқабанк" ҳамда ТТТ — Билайн жамоалари ўртасидаги баҳс эса мурасасиз ўтди. Навоийликларга турнирга кам сонли таркиб билан ташриф буюр-

ганликлари кўпроқ панд берди. Учрашувни яхши бошлаган алоқабанкчилар захира ўйинчилари йўқлиги ҳисобига иккинчи бўлимда толиқиб қолишди ва имкониятни қўлдан чиқаришди. ТТТ — Билайн ўртасидаги баҳсда эса мобил алоқа оператори катта кийинчилик эвазига ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

## Ярим финал

Ушбу босқичнинг биринчи баҳси финал олдидан финал мақомини олди. Ўтган йилги чемпион — ТАТУ жамоаси бу йилги баҳсларда таркиби янада кучайган ТШПТга рўбарў келди. Учрашув сўнгги дақиқаларгача мурасасизликни сақлаб қолди. Кураш кизғинлигидан ҳакамлар бир неча бор сарик карточкаларини чўнтақларидан чиқаришларига тўғри келди. Учрашув охирида ТШПТ икки тўп фаркли ҳисобни таблога ёздирди ва маълум танаффусдан сўнг яна финалга йўл олди.

**ТШПТ — ТАТУ — 3:1**

**Тошкент филиали — Билайн — 10:0**  
Финалда уларнинг рақиби Тошкент вилояти телекомчилари бўлди. Икки йил аввалги чемпион ва ўтган йилги финалчи бу сафар Билайн жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Ҳисоб ўта йирик кўриниш олди.

## Финал

Шундай қилиб, ҳал қилувчи баҳсга қадар "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент филиали ва ТШПТ жамоалари етиб келишди. ТШПТ индивидуал ҳаракатлар ва жисмоний ҳолат бўйича устунроқдек кўринган бўлса, Тошкент филиали вакилларининг тактик ва жамоавий ўйин борасида етакчилиги сезилди.

Ҳисобни вилоятлик алоқачилар комбинатион ҳужум натижасида очишди. Биринчи бўлимда кескин кураш кечган бўлса-да, дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

Иккинчи бўлимда кураш янада авж олди. Пойтахтликлар жарима тўпини тезкорликда амалга ошириш натижасида ҳисобни тенглаштирди. Узоқ масофадан йўлланган кучли зарба чиройли голга айланди.

Бундан буюнги рақибни хато қилишга мажбур қила олган жамоа устунлиқни ўз томонига оғдириши ойдинлашиб қолди. Хатога ТШПТ футболчилари рақибни дарҳол жазоладилар. Қолган дақиқаларда Тошкент филиали футболчилари тартибли ҳимояландилар, ТШПТ эса бор кучни ҳужумга ташлади, ҳатто ўйновчи дарвозабонни ҳам майдонга туширди. Аммо пойтахтликларга вақт етишмади.

**Тошкент филиали — ТШПТ — 2:1**

Ўтган йилги хатолардан хулоса чиқарган "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент филиали бу сафар кубокни қўлга киритди. Бундай натижанинг қўлга киритилишида жамоага профессионал мураббий, Ўзбекистон футболнинг номдор мутахассиси — Шухрат Тошмухаммедовнинг таклиф этилгани муҳим рол ўйнади.

— Ўтган йили пеналтилар сериясига кўра, финални бой бергандик, — дейди "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент филиали жамоаси сардори Зокир Хамидов. — Бу йилги баҳсларга олти ой давомида тайёргарлик кўрдик. Тажрибали мураббийни таклиф этдик ва унинг ёрдамида хатоларимизни бартараф этишга эришдик. Ғолибликни қўлга киритишимизда филиалимиз раҳбариятининг хизматлари беқиеё. Жамоамиз аъзолари вилоятнинг Ангрэн, Олмалик ва бошқа шаҳарлардан таркиб тошган. Уларни ҳар hafta тўплашнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Раҳбарият томонидан етарли даражада шароит яратиб берилгани учун ҳам мусобақага қўнғилдагидек тайёрлана олдик. Финалдаги рақибимизни таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Соҳанинг энг совриндор жамоаси билан баҳсимиз ўта мурасасиз кечди. Яқунда биз устун кела олганимиздан жудаям хурсандимиз.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммункация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзахидов иштирок этиб, баҳсларни юқори савияда ўтказган жамоаларга, уларнинг тайёргарлик кўришида кўмагини аямаган корхоналар раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Ғолиб ва совриндорларга медаллар ҳамда совғалар топиришди. Шунингдек, турли номинацияларда энг яхши деб топилган иштирокчилар Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг совғаларига эга бўлишди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



**ХАСБИ ХОЛ:**

**Зумрад Тазетдинова 1990 йилнинг 15 июлида Тошкент шахрида таваллуд топди. Онаси Резеда республика Ички ишлар вазирлиги академияси қизлар ротаси командирлигидан пенсияга чиққан. Акаси Хумоюн "Ucell" компаниясида оператор бўлиб ишлайди. Укаси Абдоржон мактабнинг 9-синф ўқувчиси.**  
**З.Тазетдинова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Халқаро тоифадаги спорт устаси.**

# Зумраднинг ойдин орзулари

**ТАТУнинг тўртинчи босқич талабаси, шотокан каратэ-до бўйича жаҳон чемпиони Зумрад ТАЗЕТДИНОВанинг ўй-фикрлари, қизиқишлари ҳақида**



— Зумрадхон, спорт билан шуғулланишиңизга ким сабабчи бўлган?  
— Онам ички ишлар ходими бўлганлиги сабаб биз фарзандларнинг спорт билан шуғулланишиңизга жиддий эътибор берганлар. Шу сабаб болалигимда мен спортнинг бадий гимнастика, акам эса каратэ тури билан шуғулланганимиз. Онам билан биргаликда акам иштирок этган мусобақаларни томоша қилар, сўнг биргаликда қайтар эдик. Ҳанда бу спорт турларида чақдаслик, жанговарлик мена экиб қолган. Акамнинг мусобақасидан қайтаётиб, мен ҳам каратэга қатнашман, деб хархаша қилганим эсимда. Ҳанда онам аввалига рухсат бермади. Мен қайсарлик қилиб туриб олган, ноилж қолган онам мени тажрибали спорт мураббийи Геннадий Имангулов бошчилигидаги спорт клубига олиб бордилар. Шу тариқа дастлаб ушу, сўнг каратэнинг шотокан тури билан шуғуллана бошладим.  
— Каратэнинг яна қандай турлари бор?  
— Каратэ асосан Қунчиқар мамлакатларда ривожланган бўлиб, унинг шотокан, шитгаро, вадаро ва тожиро каби турлари бор. Мен каратэнинг жаҳонда кенг тарқалган шотокан тури билан шуғулланишга қарор қилдим ва устозим, шотокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Хўжамкул Хўжакулов ёрдамида қўллаб-ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдим.  
— Юртдан айро яшашни тасаввур қила оласизми? Энг кўп муддат қаерда бўлгансиз ва кимни соғингансиз?  
— Уч ойга яқин Хитойда бўлдим. Биринчи бўлиб онамни соғиндим. Сўнг кадрдон шахрим кўчаларини, ўзбек нонини. Менга хориж мамлакатларидан бирдан ўша юрт номидан мусобақада иштирок

этиш таклифи бўлди. Лекин рози бўладим. Бундай қила олмайман ҳам. Чунки, киндик қоним Ўзбекистонда томанган. Юртимнинг ҳеч бир мамлакатдан кам жойи йўқ. Аксинча, биздаги каби гўзал шаҳарлар, меҳрли нигоҳлар ҳеч қаерда йўқ.

— Сизнинг ёшингиздаги-ларга замонавий исмлар қўйишган. Исмнингиздан хафа бўлган на йтингиз бўлганми?  
— Исмимни "Зумрад ва Қиммат" эртагидаги Зумрадга хавас қилиб, бувижоним қўйган. Ишонасизми, исмим сифимизда битта эди. Ҳозир эса ўқиш жойим — ТАТУнинг Ахборот технологиялари факултети 4-босқичидаги учала гуруҳда ягона Зумрадман.

— ТАТУга қандай келиб қолдингиз?  
— Аввало Зулфия номидаги мукофот берадиган имтиёз орқали ўқишга кирдим. Кейин соҳага қизиқиб қолдим. Мен талим олаётган Ахборот хавфсизлиги йўналиши бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биридир. Келгусида магистратурада ўқиб, шу йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқчиман.

— Ҳам ўқиш, ҳам спорт мусобақалари. Бир-бирига халақит бермайдами?  
— Аксинча, ёрдам беради. Каратэ спортнинг шундай турики, у инсоннинг заиф томонларини бартараф этади, чиниктиради, руҳиятини тарбиялайди. Руҳан ва жисмонан тетик одам ҳамма нарсага улгуради. Мен учун спорт бошқа, ўқиш бошқа.

— Катъий тартибга риоя қиласизми?  
— Бу нафақат спортчи, балки ҳамма учун керак. Тартибли одам ҳеч қачон бировнинг олдида уялиб қолмайди.  
— Яна нималарга қизиқасиз?  
— Чет тилларини ўрганишга. Ҳозирча хитой, инглиз, рус тилларини яхши билман. Энди бошқа тилларни ҳам ўрганиш ниятидаман.

— "Хабар" ўқувчиларига тилақларингиз.  
— Мен ўзим тенги ёшларга тилақ билдиришга ҳақлиман, деб ўйлайман. Ёшларимиз омон бўлишсин. Хар бир ёш юртинг эртанги куни эгаси эканлигини унутмаган ҳолда маълум бир эзгу мақсад йўлида ҳаракат қилсин. Шунда юртимиз келажги янада порлоқ бўлади.

— Муборақ суҳбатлашди.

**ЮТУҚЛАРИ:**

- Ушу бўйича олти карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар иштирокчиси (2003-2006);
- Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони (2007-2012);
- Японияда 16-18 ёшли қизлар ўртасида ўтказилган 8-жаҳон чемпионатининг голиби (2007);
- Кипрда уюштирилган Европа кубогининг голиби (2010);
- Туркиядаги Алания кубогида 2-ўрин соҳибни (2011);
- Москвада ўтказилган Жаҳон шотокан каратэ бирлашмаси (WSKU) турнирининг голиби (2012);
- АҚШда ўтказилган Бирлашган жанг сеньати федерацияси (UFAF) мусобақасининг голиби (2012).

**САБЗИЛИ КЕКС**

**Зарур масаллиқлар:**  
Икки дона катта сабзи, уч дона тухум, бир ярим стакан ун, бир стакан шакар, ярим стакан ўсимлик ёғи, ярим чойкошиқ ичимлик содаси.

**Тайёрланиши:**  
Икки дона сабзини пўстлоқидан тозалаб, майда қирғичдан чиқарасиз. Идишга солиб, устига тухум қақасиз ва шакар солиб аралаштирасиз. Сўнгра ўсимлик ёғи, ун ва ичимлик содаси қўшасиз. Ҳаммасини яхшилаб аралаштирасиз. Хамири кекс идишига солиб, 200 даражада қизиб турган газ печига қўясиз.

Кекс ярим соат ичида тайёр холга келади. Қизариб пишган кекслар устига қанд упаси сепишни унутманг.

**ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИРОҚ**

Менинг назаримда кулоқ оғрири, яъни отип энг кўп оғрик берувчи касалликлардан бири. Касални даволаш ҳам узок вақтни талаб этади. Саломатлик борасидаги тавсиям эса кулоқ оғришига мойил инсонларга тегишли. Яъни, отитнинг олдини олиш борасида қуйидаги энг оддий, лекин самарали муолажа мавжуд (буни ойинжоним ўргатган):



Кулоқнинг оғримаслиги учун агар ошқозонингизда муаммо бўлмаса, хар кун лимон ейиш фойдали. Эки бир килограмм лимонни пўсти билан гўштқий-малагичдан ўтказиб, 250 грамм асал қўшинг ва музлаткичда сақланг. Кунига ётишиңиз олди-дан бир чойкошиқ шу аралашмадан еб турсангиз, кулоқ яллиғланишиңнинг олдини олган бўласиз.  
**Лобар ҒОҒУРОВА,**  
Оққўрғон ПАТ саралаш бўлими оператори

<p><b>Xabar</b></p> <p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> <b>Абдусайд КҮЧИМОВ</b></p>		<p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алшпер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>		<p>"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-352 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18015 нуска.</p>		<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 234-18-05</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>